



# HURRIYAT

MUSTAQIL GAZETA

O'zingni angla!

Chorshanba, 12-avgust, 2009-yil • №34 (637) • 1996-yil dekabr dan chiqarilgan • e-mail: hurriyat@doda.uz • www.uzhurriyat.uz

## ФИЛЬМ ЯРАТИШДАН МАҚСАД НИМА?

Кино кўрган 8 театрда борган одамнинг кайфияти кўтарилиши билан бирга маънавий озуқа ҳам олади. Дилдаги губорлар тарқалади. Дунёқарашни кенгайтиради. Аммо томошанин кўраётган ўша санъат маҳсулоти сифатсиз бўлса-чи? Маънавий озуқа излаб кино-театрга келган мухлиснинг ҳафсаласи пир бўлиб чиқса-чи?



⇒ 4-бет

## “ЭЛ ҚИЁФАСИ... кучли шахсларда ва миллий характерларда намоён бўлади”

Ижодкор аҳли қалам ва қоғоз билан танҳо қолар экан, ўз виждони билан юзма-юз туради. Ҳақиқий ижодкорнинг виждони ва имони ўзи тугилиб ўсган юрт қамоли, ўзи мансуб халқнинг қувонч-ташвишлари билан чамбарчас боғлиқ бўлиши керак.



⇒ 7-бет

## ҚОДИРИЙ ВА БИЗ

Қодирий бобомиз ҳозир яшаганларида биз ҳақимизда қандай фикрда бўлардилар? Кун бўйи беҳуда ишлар билан андармон бўлиб, спиртли ичимлик ичиб, тамакни бурқитиб эрталабгача дискотекаларда ўтирадиган “Отабек” ва “Анвар”ларни, замонавий моданинг «дода»сидан кийиб юрган “Қумуш” ва “Раъно”ларни кўрганларида нима деган бўлардилар?



⇒ 8-бет

## ЧОРШАНБАДАН ЧОРШАНБАГАЧА

5 август куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовга Грузия ҳамда Буюк Британия ва Шимолий Ирландия Бирлашган Қироллигининг мамлакатимиздаги Фавкулудда ва мухтор элчилари этиб тайинланган — Георгий Кублашвили ва Руперт Жой иппоч ёрликлари тошди.

10 август куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов Оқсаройда Корея Республикаси Президентининг махсус вакили Ан Санг Суни қабул қилди.

Оқсаройдаги учрашувда Ан Санг Су самимий қабул учун Президентимизга миннатдорлик билдириб, Жанубий Корея Ўзбекистон билан ҳамкорликни бундан буён ҳам барча соҳаларда кенгайтириб бораверишга тайёр эканини таъкидлади. Корея Республикаси Президентининг мамлакатимиз мустақиллигининг 18 йиллиги ва Тошкент шаҳрининг 2200 йиллик юбилейи муносабати билан Ўзбекистон Президентига йўндалган мактубини тошди.

Мулоқот чоғида Ўзбекистон — Корея Республикаси муносабатларига доир ва томонларни қизиқтирган бошқа масалалар юзасидан фикр алмашилди.

Искандария шаҳри (Миср) губернаторлиги Халқ кенгашида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг “Юксак маънавият — енгилмас куч” китобининг тақдироти бўлиб ўтди. Тадбирда Искандария Халқ кенгаши раиси Тарик Алки, маҳаллий кенгаш депутатлари, илмий-таҳлилий доиралар вакиллари, олимлар, шунингдек, “Миср — Ўзбекистон” дўстлик жамияти аъзолари қатнашди.

Францияда нашр этилувчи “La Lettre Diplomatique” журналининг июль ойи сонида мамлакатимиз мустақиллигининг 18 йиллигига бағишланган туркум мақолалар чоп этилди.

Журнал уч ойда бир марта нашр этилиб, Франциянинг расмий ва ижтимоий-сиёсий доиралари, вазирлик ва идоралари, дипломатия корпуси, қароргоҳи Париж ва Брюсселда жойлашган халқаро ташкилотлар, жумладан, ЮНЕСКО, ОЭСР, ЕИ, ЕП, Европанинг қатор давлатлари — Бельгия, Люксембург ва Швейцарияда тарқатилади.



ПУБЛИЦИСТИКА

Сирожиiddин САЙИД,  
Ўзбекистон халқ шоири

## Фахр ва зурур

Йиллардан қад олиб улғаяр йиллар,  
Йиллар — асрларнинг остонасидир.  
Умрлар бўйи зор кутган замонинг —  
Эрку Истиқлолнинг замонасидир.

Темурхон наслидин султон Улугбек —  
Ҳазрат Навоийнинг таронасидир.  
Бир монета ушлаган асрий армонинг —  
Темурий зотларнинг замонасидир.

Ярқираб тургувчи Оқсарой мисол  
Кетмас давлатнинг пешонасидир.  
Шағну шавқатинг ҳам даври даврининг —  
Фахру гурурининг замонасидир.


Имом Бухорийдан дуолар келгай,  
Тупроғинг вашилар ширхонасидир.  
Ўз юртига қайтган Карим Қуронинг —  
Иймон-этиқодинг замонасидир.

То абад сўнмағай ой билан қуёш,  
Ҳар кунинг Оллоҳнинг шукронасидир.  
Тоғдай кўкрагинга теккан осмонинг —  
Озод орзуларинг замонасидир.

Ўнай қўлларининг қадоқларидан,  
Қўлларинг — меҳнатнинг дархонасидир.  
Ўзинга булганган ўз бугдод, нонинг —  
Ризқу насибаниннг замонасидир.

Бунда Ватан дея ўсгучи ҳар дил  
Юртнинг бир қалғаси, қошонасидир.  
Ору номусиндан кўрган кўронинг —  
Ўғил-қизларининг замонасидир.

Бахту толенинг кўп синовлари бор,  
Истиқлол — миллатнинг шохномадир.  
Мангуликка қадар борар қарвонинг —  
Захматкаш халқининг замонасидир.



Газета «Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпанияси самолётларида ҳам тарқатилади.

## ВАТАНГА МУҲАББАТ

Донишмандлар айтадики, фалончи фалон нарса билан тирик. Тирикликнинг хили кўп, ҳар ким ҳар нарса билан тирик. Аммо унинг асос-идизи битта — Ватанга муҳаббатдир.

Ватанга муҳаббат ҳар нарсадан улғу. У ҳаётнинг аввали ва охири, маъно-мазмун, тирикликнинг жадваридир. Ҳаётнинг Ватанга оёқ босиши дастурхонингга, ошлангга, юзингга оёқ босгандек оғир ботади. Шунинг учун Ватанга бирон-бир таҳдид ҳавф солса, одамлар ҳамма ишини йиғиштириб қўйиб, унинг ҳимоясига отланади, халқ бир мушта айланади.

**В**атан шаънимиз, ор-номусимиз, Фитрат айтмоқчи, саждаҳошимиздир. Биз ку одам, ҳатто чумолилар ва кушлар ҳам ўз инига талпиниб яшайди, ошенини ёмон кўзлардан асрайди. Нега биз Ватани бу қадар эъзозлаймиз? Аввал

ло, ота-боболаримиз шу маконни Ватан тутган, уларнинг киндик қони шу заминга томган, хоки-гуроби шунда. Илдизимиз шу! Ўз уйимиз, ўлан тўшагимиз, бору йўғимиз, тирикликимиз у билан! Шунинг учун у кўзимизга оловдай бўлиб кўринади. Уни кўзга тўтиё этганда меҳримиз товланиб кетади, севиб-

ардоқлаб она-Ватан деймиз. Қолаверса, дунё кезиб, яна бир Ўзбекистонни топиш-учратиш ҳеч мумкин эмас. Икки дарё оралигидаги бу мўътабар замин бежиз шунча босқинга сабаб бўлгани йўқ! Дунёни таниган яловбардор борки, шу ўлкада ҳукмини ўтказмоқ истаган.

Бунинг сабаби кўп. Дунёда бир япроқ бесабаб тўкилмайди...

Халқимизни бир қарвонга ўхшатсак, бу қарвон қачон йўлга чиққан — бирор билмайди. Тарих деса, кўп ҳолларда ўғлининг қасоси учун ёвуз Қирнинг бошини олган ва «қонхўр эдинг, мана, қонга тўй», деб уни қон тўла мешга тиққан улғу Тўмарис хаёлда жонланади.

Қасоскор оналар шундай беомон бўлган! Ҳолбуки, бу тарихнинг бошланиши эмас. Унча ҳам ўтмиш бўлган, келажак ҳам...

(Давоми 3-бетда.)

ОБУНА — 2010

## Қадри юртдошлар!

Хабарингиз борми, республикамизда жорий йилнинг 20 июлидан бошлаб барча матбуот нашрларига келгуси йил учун обуна мавсуми бошланди.



“Ўзбекистон почтаси” очиқ акциядорлик жамияти ва “Матбуот тарқатувчи” акциядорлик компаниясининг жойлардаги бўлимлари орқали обуна бўлишингиз мумкин.

Ҳа, албатта, 2010 йил учун обуна палласи эндигина бошланди. Аммо бутунги ишни эртага қўйишдан не наф? Ҳеч иккиланмай “HURRIYAT”га обуна бўлинг-да, ўз ақшларингиз, дўсту биродарларингизни ҳам обуна бўлишга ушланг!


Жамoa раҳбарларидан эса ўз ҳодимларини рабатлагитирининг энг мақбул йўлиридан бири — уларни газетамизга обуна этишда деб билгиз.

Сизнинг сеvimли нашингизга бўлган меҳрингиз, эътиборингизни ҳаминша қадраймиз, азиз замондош!

Эслайтиб ўтамиз: “HURRIYAT”нинг папир индекси — 233

ДУНЁ СИЁСАТИ

## Кема йўқолиб қолди



Атлантика океанининг Португалия қирғоқларига яқин жойида Arctic Sea кемаси изсиз йўқолди. ОАВ хабарларига қараганда, кема 4 август куни Жазоннинг Бенжай портида бўлиши керак эди. Аммо у манзилга етиб бормаган. Кема билан сўнгги марта 28 июль куни алоқа ўрнатилган. Экипаж аъзолари ҳам ҳеч кимга телефон қилмаган. Мутахассисларнинг таъкидлашича, кема йўқолган жойдан Европа-

нинг барча нуқталарига телефон қилиш мумкин эди.

Кема экипажи аъзоларининг барчаси Россия фуқаролари. Arctic Sea кемасини қидириш учун Россиянинг ҳарбий кемалари ва вертолётлари жалб этилди. Лекин улар ҳозирча бирор натижага эриша олгани йўқ. Хабарларга қараганда, кема 24 июль куни номаълум одамлар томонидан тўхтатилган. Кейин қўйиб юборилган. Шундан буён Arctic Sea ҳақида ҳеч қандай хабар йўқ.

5»

(Дунё хабарларининг давоми бешинчи саҳифада)

ФИКР

## Газетхонни нима қизиқтиради?

### ёки маънавий эрмак эмас

Юртимиздаги исталган шахар ёки тумандаги матбуот дўқонига эътибор қилсангиз, пештахтанинг кўзга кўринарли, марказий жойларига ране-баранг кўнгилочар газеталар, ихчам нашрлар териб қўйилган. Ижтимоий-сиёсий йўналишдаги жиддий газеталар дўқонининг унғ ёқ чап томони-га осилган, баъзилари сотувчи осонгина топиши мумкин бўлган жойда турибди. Сабабини сўрасангиз — харидорлар асосан кўнгилочар газеталарга кўзи тушиб танилашади, жиддий нашрларни ким сўраса тезда топиб берамиз, деб изоҳлашади.

Бу борада сотувчига эътироз билдириш балки тўғри бўлмас. Ахир ҳар ким кундалик фаолиятида ўзи учун қулай ва синалган усулни танлайди.

Кўнгилочар нашрларга келсак, улар, аввало, мустақиллик шарофати билан вужудга келган имконият, муҳит туфайли пайдо бўлди. Ўзбекистондаги демократик қонунлар талабларига жавоб берган ижодиёт уйлари, масъулияти чекланган жамиятлар, юридик ва

жисмоний шахслар муассислигида кетма-кет қизиқарли даврий нашрлар ўз мухлисларини излаб топди. Бундай оммавий ахборот воситаларининг қўлайлиги матбуот бозорига муайян ижодий рақобат муҳитини жонлантиради. Кимдир газета номи орқали, биринчи бетдаги фавкулудда анонслар воситасида, яна бошқа ижодий жамoa ўзгача шакл-шамойиллар билан газетхон эътиборини жалб қилишнинг йўлини излашди.

4»

# ИЖТИМОЙ-СИЁСИЙ ҲАЁТ

МУЛОҲАЗА

## ДАРСЛИК ЎҚУВЧИ ЁШИГА МУНОСИБ БЎЛСА...



### "Экосан" мукофотлари топширилди

"Экосан" халқаро жамғармаси Тошкент шаҳар ҳокимлиги билан пойтахтимиз юбилей олдидан "Тошкент экологияси: менинг уйим — менинг шаҳрим" деб номланган танлов эълон қилинган эди. Унда пойтахтимизнинг барча туманларидаги ҳусусий уй-жой мулкдорлари ширкатлари, ободонлаштириш бошқармалари, шаҳар "Махсустрас" бошқармаси ишчи ва ходимларининг меҳнат уюмдорлигини ошириш, кўп қаватли уйларнинг санитар-гигиеник ҳолатини яхшилашга эришиш, кўча атрофлари, хиёбонларни кўкчалаштириш, таъмирлаш, тиклаш ишлари кенг жамоатчиликни, айниқса, ёшларнинг иштирокини таъминлаш ва шу йўл билан Тошкентни янада обод шаҳарга айлантиришга ҳисса қўшиш вазифаси қўйилган эди.

Яқинда ана шу танлов якунига бағишланган тадбир ўтказилди. "Ободонлаштириш ва кўкчалаштириш соҳасидаги энг ибратли жамoa" номи билан соҳадаги энг ибратли ширкатларнинг иштироки билан Тошкент шаҳар ҳокимлиги ва шаҳар "Махсустрас" бошқармаси ишчи ва ходимларининг меҳнат уюмдорлигини ошириш, кўп қаватли уйларнинг санитар-гигиеник ҳолатини яхшилашга эришиш, кўча атрофлари, хиёбонларни кўкчалаштириш, таъмирлаш, тиклаш ишлари кенг жамоатчиликни, айниқса, ёшларнинг иштирокини таъминлаш ва шу йўл билан Тошкентни янада обод шаҳарга айлантиришга ҳисса қўшиш вазифаси қўйилган эди.

Матқуб НАРЗИЕВ, "Hurriyat" мухбири.

### Янги йўналиш очилди

Хўжайш — Тахтатоп орасидаги масофа тахминан 20 километр бўлса-да, шу вақтга қадар бу йўналишда автобуслар қатновий мавжуд эмас эди. Яқинда шу муаммага ҳал қўйилди. "Хўжайшавтовокзал" МТЖга қарашли "Жетписбайтранс" шўба корхонаси ташаббуси билан Хўжайш — Тахтатоп йўналиши бўйича йўловчи ташувчи 4 та "ISUZU" русулли автобус қатнай бошлади.

— Йўл нархи ҳам арзон — бор-йўли 300 сўм, — дейди диспетчер Байрамбой Абдираманов. Автобуслар эрталаб соат 7:30 дан кечки 6:00 гача мунтазам юриб турибди. Тажрибали ҳайдовчилар Р.Сариёв, И.Султанов, А.Ўлеумуратов, Ниятуллаевлар ўз вазифаларини сийқилиш билан бажаришиб, йўловчиларнинг ҳурмат эҳтиромига сазовор бўлишарди.

Ғойиб ЁҚУБОВ, "Hurriyat" мухбири.

### Миллий банк кредити самараси

Шофиркон туманидаги "Асилбек нузли келажак" ҳусусий корхонаси Ташқи иқтисодий фаолият Миллий банкнинг Шофиркон филиалидан 44,38 млн. сўм имтёзли кредит олганлиги беш ой давомида корхона томонидан 40 миллион сўмлик полизтидан пилска ва пакетларни ишлаб чиқарилиб, вилоятдаги савдо корхоналари ва ҳусусий тадбиркорларга етказиб берилди. Даромад ҳам чакки бўлмади, ишлаб чиқарилган маҳсулот эвазига 1,8 млн. сўм соф фойда олишга эришилди.

Корхонада булун ишчилар сонини 10 нафардан ошди. Шавкат НОСИРОВ, "Hurriyat" мухбири.

### Шаҳрихонда адабиёт байрами

Шаҳрихон шаҳрида Андижон вилоят ҳокимлиги, туман ҳокимлиги, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси ва уюшманинг вилоят бўлими билан ҳамкорликда воқий ёшларнинг "Шаҳрихонда мажлази" адабий анжумани бўлиб ўтди. Унда 30 дан ортққ ёшларнинг шеърлари муҳокама этилди. Гуллар байрамига улашиб кетган адабиёт байрамида шоир Орайнинг 140 йиллиги ҳам нишонланди.

Адабий анжумани сўнгида иқтидорли ёш шоир ва шоирлар ҳомий ташкилотларнинг қимматбаҳо совғалари билан тақдирланди.

Ислом СУЛТОНОВ, "Hurriyat" мухбири.

### Олмоқнинг бермоғи бор

Фарғона вилояти божхона бошқармаси ҳамда ҳуқуқни муҳофаза этиш ходимларининг бирлигида ўтказилган рейдлар натижасида Бешарқ тумани чегарада яшовчи бир нечта фуқароларнинг қонунга зид фаолият юритгани аниқланди. Хусусан, Раъно Мирзаеванинг уйдан "Андархон" пости орқали қўшни Тожикистондан олиб ўтилган 3 миллион 800 минг сўмлик усумлик ёғи топилган бўлса, Фарғона туманининг Араб қишлоғида яшовчи фуқаро Алшомми Тиллаевнинг уйда қўшни Қирғизистондан олиб келинган 9 миллион 700 минг сўмлик контрабанд моллари борлиги аниқланди. Риштонлик Имомали Расулов эса уйда 23 миллион сўмлик қонуний тарзда олиб келинган товарларни саклаётган экан.

Хоразмлик Рўзбой Худойкуловнинг "бизнес" и юқоридатилардан ҳам олиб тушиши. Шаҳар бедарвоза деб ўйланган бу кимса ўзининг "Мерседес — Бент" автомашинасида 117 миллион 717 минг сўмлик қийматга эга бўлган 120 турдан истеъмол товарларини олиб кетганлиги, Марғилон — Тошкент автотрассасининг Олтиарқ тумани худудига қўлга олинди. Тергов ишлари тугатилган қудер барча қонуқнуш товарлар аниқвий далай тартиқсиз олиб қўйилди.

Олмоқнинг бермоғи бор, дейди халқимиз. Ўз нафсини йўлда икконишини жигилонга айлантирган бу кимсалар энди қонун олдида жавоб беришади.

Солиҳ КАҲҚОР, "Hurriyat" мухбири.

Буеунги куннинг долзарб вазифаларидан ҳисобланган баркамол авлод ва қомил инсон тарбиясига ишчи, олим, шифокор — барча ўз ҳиссасини қўшиши зарур. Айниқса, ўқувчи учун бу масала янада муҳимроқдир. Шу боис кўп йиллик тажрибамга таянган ҳолда мактаб дарсликларини тузишда иштирок этаётган захматкаш олимларимизга, дарслик муаллифларига, аввало, ўз миннатдорчилигини билдириб, баъзи масалаларда фикр-мулоҳазаларини билдирмоқчиман.

**М**аълумки, дарслик яратилганда ўқувчиларнинг ёши ҳисобга олинмаса, тарбия ишига салбий таъсир кўрсатиши мукаррар. Хусусан, ҳали балоғатга етмаган болалар ўқийдиган (7-8-синф ўқувчиларига мўлжалланган) адабиёт дарсликларидея севаги, ёр, висол тўғрисидаги газаллар, шеърлар ёки романлардан ("Уфқ" романи, VIII синф) парчалар берилган. Аслида бу ёшдаги фарзандларимиз меҳнатсеварлик, ватанпарварлик, одамийлик, яратувчилик, ота-онага, Ватанга меҳр, кексаларга ҳурмат ҳақидаги шеърлар ва ҳикояларни ўқиб, вояга етишса, яхши бўлади.

2005 йилда чоп этилган ва ҳозирги кунда ҳам амалда бўлган VII синф адабиёт дарслигига ўзбек мумтоз адабиётининг машҳур шоири Атойнинг ижоди киритилган ва унинг бадиий маҳоратини мадҳ этиш учун бир газали шарҳлаб берилган. Газалда инсон (аёл) гўзаллиги таърифланади. Ўша шарҳдан бир мисол келтирмоқчиман: "Маъшуқа — ишққа сабаб бўлган, ошиқ кўнглини ром қилган, ақлини лол этган суюқли ёр" (165-бет).

Назаримда, бу гаплар 13-14 ёшли болаларга оғирлик қилса керак. Яна шорининг "Жамолнинг васфи" шеърини ҳам парча ўқиб кўринг:

**"Узун сочингдин узмасмен кўнглини, Абғинг қанда бўлса, бошим анда"** (167-бет).

Шу ўринда бир мулоҳаза туғлади: ўқувчи йигитча мактабда билим ўрганиши керакми ёки унинг хаёли сочи узун қизларда бўлсинми? Ушбу дарсликнинг 207-бетига Х.Олимжоннинг "Ғазал" номли шеъри берилган. Бу шеърнинг бошланғи банди эса куйидагича:


**На бўлғай бир нафас мен ҳам яногинг узра хол бўлсам, Лабинг япрогидан томган, ки гўё қатра бол бўлсам. Бугоингга кўниб булбул каби хониш қилиб тунлар, Ўпиб гунчангни очмоқликка тонг чоғи шамол бўлсам.**

Яна шу дарсликнинг 276-бетига Достон халқ шоири Расул Ҳамзатовнинг "Шуям эркакми?" сарлавҳали шеъри берилган. Шеърнинг 4-бандида шундай мисралар бор:

**Ким юракдан бўлмаса шайдо, бирор қизла ўпишмаса ё, шуям эркакми?**

Мана, бунисига нима дейсиз? Дарсда ўтирган ўғил болалар: "Эркак бўлиш учун бирор қизни ўпиш керак экан-да" деган хаёлларга бормайдими? Албатта, бундай мисралар ўқувчининг тарбиясига салбий таъсир кўрсатади.

Агар 8-синфнинг адабиёт дарслигига назар ташласак, юқоридаги аҳволдан ҳам



хунуқроқ манзарага дуч келаемиз. Дарсликнинг 158-саҳифасида Абдурауф Фитратнинг "Гўзални, бевафо гулистоним" деб бошланган шеъри берилган. Бу шеър 8-синф ўқувчиларининг ёшига тўғри келади, деб ўйлайсизми? Мана, ўша шеърдан олинган мисраларни ўқиб кўринг:

**Кел, обғингга қон бўлиб тўкилай, Бир нафас дард-ҳажрдан қутулай.**

**Кел, гўзал дилбарим, кел сочингни бир тарай, бир ўрай-да, ўлай.**

Хайрон қолсан киши: балоғат ёшига етмаган 14-15 яшар болалар кимнингдир оёғига қон бўлиб тўкилишни, кимнингдир сочини тарашни, ўришни ва ниҳоят ўлишни ўрганиши керакми? Китобнинг 230-бетига Усмон Носирнинг "Монолоғ" сарлавҳали шеъри киритилган. Ундан ҳам парча келтирайлик:

**Севги! Сенинг ширин тилингдан Ким ўлмаган, ким тишмаган? Бунинг ўрнига ўсиб-ўлғайиб келаёт-**

### СУРИШТИРУВ

## Солиқчи нега "айбдор" га айланди?

**Акбар Исломов ўзининг ҳалоллиги, вазифасини виждонан бажариши, айниқса, тўғрлиги билан ҳамкасбларининг ҳурматини қозонган эди. Бу вазифаларни айрим раҳбарларга унчалик ҳам ёқмаётганини сезиб юрар, англаганда эса афсуслик, кеч бўлганди.**

**Бошига тушамак қалваларни, ноҳақ тўхмат балосига учрашини билганида балки бошлиқларининг ҳар бир имошиорасини тушунган, топшириқларини уларга маъқул қилиб ўринлатган бўлармики?**

**А**кбар Исломовнинг қора кунлари Пастдарғом туман Давлат солиқ инспекциясининг 2006 йил 13 январдаги 1-28 сонли буйруғи, туман прокуратурасининг 2005 йил 13 декабрдаги 25962-сонли талабномасига асосан "Чандиробод" ширкат ҳўжалигидаги Самарқанд вилоят ҳўжалик судининг 2005 йил 7 ноябрдаги 14-15-03/III 12-сонли ширкат ҳўжалиги раҳбарига қўзғатилган жиноий иши ҳамда чандирободликларнинг республика Миллий хавфсизлик хизмати раисига ёзган шикоятини текширишдан бошланди, десак тўғри бўлади. Шикоят хатига кўрсатилган далилларга асосланиб ўтказилган текширишда ҳўжаликка йигирма етти миллион бир юз тўқсон минг ўттиз беш сўм зарар, шунингдек, икки миллион саккиз юз эллик минг тўрт юз олти сўм камомад келтирилгани аниқланиб, 2006 йилнинг 12 февралда далолатнома тузилган. Ҳамма гап ана шу далолатномадан бошланган.

— Мамалякатимизнинг энг нуфузли идорасидан бирига ёзилган аризонинг текширилган қисмидаги далиллар ўз тасдиғини топти. Оранда бир неча кун ўтган прокурор мени хонасига чақириб, далолатномани ўзгартириб берасиз, дея ноқонуний талаб қўйди. — дейди Акбар Исломов.

Табийки, у бу талабга рози бўлмади. Акбар ақанинг сўзларига кўра, уни прокурор яна хузурига чақиради. Бу сафар туман Давлат солиқ инспекцияси бошлиғи Нурмамат Аҳмедов кечки мажлис ўтказиб, телефонда ким биландир гаплашиш асносида ҳозирқо қабулнингизда бўлади, дея гўшакни қўйди. "Исломов дарров прокуратурага борасиз, сизни олиб кетгани одам келган" дейди. Ташқарида эса уни собиқ "Чандиробод" ширкат ҳўжалигининг раиси Чори Аллоев кутиб турган бўлади. Йўл-йўлкай собиқ раис, "Сизни прокурор Баходир Умаров чақиряпти. Қўйинг, қайсарлик қилманг, ақинча Баходир ақанинг айтганини қилинг, ахир прокурор билан ўйнашиб бўладими? Сизга бирон кор-

ҳол қилиб юрмасин. Бу ёғини пилаштиб қўйганман. Прокурорга шу ишларни босди-босди қилиш учун анча-мунча пул бердим. Маслаҳатини: ақилроқ бўлинг, яхсиди у айтган далолатномага қўл қўйиб беринг", дея уни прокуратура аширигача кузатиб боради. Инкарига киргач, терговчи Учқун Бутунов хонасига тортиб: "Сизни прокурор кутаяпти, аввал мана бунчи имзоланг", дея тортмасидан қайтадан ёзилган далолатнома нусхасини олдига қўйди. Акбар Исломов имзо чекишдан бош торгач, прокурор Баходир Умаровнинг хонасига киришади. Қўздан қаҳр-ғазаб учқунлари сараб турган прокурор ундан имзо чекишни талаб қилади ва олдин ёзилган нусхалар йиғиштириб олингани, далолатномага ундан бошқа ҳамма имзо қўйганини айтиди.

"Бунча иккиланмасанг, ҳар қандай вазиятда ҳам мен сени хижомячиси. "Сиз ишдан кетсангиз нима қиламан" дейишга оғиз жуфтлагани А.Исломова прокурорнинг "Тағни кўпайтирма, агар имзо чекамасанг қаматаман" дея қилган дағдаси ва важоҳати, уни охириқўбат давлатга келтирилган зарар ва камомадлардан холи "сил-лик"қина далолатномага имзо чекишга мажбур қилади.

Аммо Акбар Исломов ҳам аноийлардан эмас эди. Бўлажак ноҳушликлари сезими, ҳар қалай биринчи далолатномадан бир нусха олиб қўйганди. Ҳеч ким сўзини икки қилмаганига одатланган прокурор Акбар Исломовнинг қайсарлигидан энаси қотдими ёҳуд бошқа сабаблари бўлганини ҳартуқул хаёлида солиқ инспекторини қандай қилиб бўлса-да қаматишни нияти пайдо бўлади. Тирноқ тағидан кир қидиришга тушган қонун хижомячиси А.Исломовнинг Пастдарғом туман давлат солиқ инспекциясидаги 3 йиллик фаолияти давомида ўтказган текшириш далолатномаларини тафтиш қилишга киришади, аммо ҳеч қандай айд тополмайди. Қаловини топсанг қор ҳам ёнади, дейишади донолар.

Прокурор Баходир Умаров қаловини шундай топадики, "қор" гўё қуриган хасдек ёна бошлайди. Ўқувчида хўш, прокурор А.Исломовдан қандай қўсур топди экан, деган савол туғилиши табиий.

Акбар Исломов 2005 йилнинг 15 апрелида Пастдарғом туман давлат солиқ инспекцияси собиқ бошлиғи К.Тураев имзолаган 146-ХС-сонли буйруқ билан тумандаги "Наврўзтепа" (СТИР 202732672 рақамли) фермер ҳўжалигининг 2002-2003 — 2004 йиллардаги ҳўжалик фаолиятида солиқ қонунчилигига риоя қилиниши юзасидан 15 апрелдан 23 апрелгача хизмат сафарига бўлиб текшириш ўтказди. Эътибор беринг, текширишга Назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштирувчи Республика кенгашининг 2004 йил 31 декабрдаги 4/1-Г-сонли қарори билан тасдиқланган режа-жадвал асос қилиб олинган.

Акбар Исломов томонидан тузилган 2005 йил 22 апрелдаги "Наврўзтепа" (ИНН 202732672) фермер ҳўжалигини текшириш далолатномаси ушбу фермер ҳўжалиги бухгалтерия ҳужжатлари асосида тайёрлангани, банк рекевизитларининг мажмуудлиги, статистик коди 202732672 экани, барча солиқ ва тўловларни аниқлашдаги солиқ маълумотлари Давлат солиқ инспекцияси компьютер базасидан олингани тасдиғини топган. Хатто бу "Наврўзтепа" фермер ҳўжалиги раиси Ю.Жовбуриевнинг 2006 йил 11 апрелда вилоят ДСБ га ва 2006 йил 12 апрелда туман прокурорига ёзган шикоят аризасида ҳам фермер ҳўжалиги (ИНН 202732672) рақамидея ишлаб келганини таъкидлаган. Шундай бўлса-да прокуратуранинг қилин қўрқ ёрадиган терговчи Учқун Бутунов солиқ инспектори текширган "Наврўзтепа" фермер ҳўжалигини бундан 6 йил олдин ёпилиб кетган ва текшириш ноқонуний ўтказилган, деган тўхтамак келди.

Энг кизиги, Акбар Исломовнинг "жиноят"чи бўлишига сабаб бўлган ушбу фермер ҳўжалигини туман ер ресурслари ва давлат кадастр хизмати мутахассиси Ражаббой Мансуров ҳам текширган, хатто фермер ҳўжалиги раҳбари Юсуф Жовбуриев 0,20 гектар сугорилдиган экин майдонини қаровсиз қолдириб, ҳўжасизларча фойдаланганини аниқлаб маъмурий жаримага ҳам тортади.

Ушбу маълумотлар Пастдарғом тумани ер ресурслари ва давлат кадастр хизматининг Н 000612 сонли баённомаси ҳамда Ўзбеки-

тон Ер ресурслари давлат қўмитасининг Н 000615 сонли қарорларида ҳам ўз аксини топган.

А.Исломовага қўйилган айб турли суд инстанцияларида оз эмас, кўп эмас ўн бир марта кўриб чиқилди. Лекин А.Исломов истагандек адолат қарор топмади. Хатто жиноят ишлари бўйича Самарқанд шаҳар судининг судьяси А.Маматқулов 2007 йил 13 апрелда жиноят ишини ҳолисона кўриб чиқиш учун қўшимча терговга қайтарди. Қўшимча тергов жаравида "Наврўзтепа" (ИНН 202732672) ҳамда "Наврўзтепа" (ИНН 203711064) фермер ҳўжалигининг ташкил этилиши ва фаолият кўрсатишининг барча ҳолатлари атрофича текширилиши, айбланувчи Акбар Исломовнинг ва ишга алоқадор бўлган бошқа барча шахсларнинг хатти-ҳаракатларига қонуний баҳо бериш лозимлиги аниқланиши керак эди. Лекин нимагадир иш терговга қайтарилмади.

Аслида собиқ солиқ инспекторига қандай айб қўйилган эди? Гўёки инспектор А.Исломов қасддан "Наврўзтепа" (ИНН 203711064) ўрнига "аллақачон" ёпилиб кетган 15,2 гектар ер майдонига эга "Наврўзтепа" (ИНН 202732672) фермер ҳўжалигини текширган эмиш. Бир хил номдаги, фақат ИНН рақамлари бошқа-бошқа бўлган "Наврўзтепа" фермер ҳўжаликлари рини ким, қай тарзда очгани ҳақида айтадиган бўлсак, улар "Навбахор" жамoa ҳўжалиги худудидан, собиқ Гўзалкент туман ҳокимининг 1998 йил 14 декабрдаги 356 К-сонли ва 361 К-сонли қарорлари билан "Чортоқ" ва "Наврўзтепа" фермер ҳўжаликлари деб номланиб, ҳўжалиқнинг собиқ раҳбари Бекмирза Жовбуриевнинг "ташаббуси" билан укалари Музафар ҳамда Юсуф Жовбуриевларга очиб берилди.

"Чортоқ" фермер ҳўжалиги 47,9 гектар, "Наврўзтепа" эса 95 гектар ер майдони билан иш бошлайди. Гарчи укалари номига очилган бўлишига қарамай, фермер ҳўжалиқларини Жовбуриевларнинг қаттаси Бекмирза Жовбуриев норасмий бошқариб келди.

2006 йилга келиб текширишлардан хавотирга тушган Б.Жовбуриев ўз қилмишини яшириш мақсадида 1999 йил 30 ноябрь санаси билан Гўзалкент туман ҳокимининг 415-К-сонли қарорини чиқаришга ҳаракат қилади. Унга кўра "Наврўзтепа" (202732672 ИНН) фермер ҳўжалигининг 84 гектар ер майдони "Чортоқ" фермер ҳўжалигига қўшиб берилди.

Аъзам РУСТАМ

# ЖАРАЁН

## ВАТАНГА МУҲАББАТ

(Бошланishi 1-бетда.)

Тарихчиларнинг ёзишича, Чингизхон босқини золимликнинг золимлигидир. У бешикдаги болагача қилишдан ўтказган, шаҳар ва қишлоқларга ўт қўйган. Қоп-қора тўтун осмону фалакни қоплаб, қуёшнинг юзини тўсиб қўйган. Шунда одамлар дунёда мўғулдан бўлак ҳеч қим қолмади, бу осмон яна очилармикан ёки шу билан қиёмат бошланиб кетармикан, деб ўйга бошган. Мана шундай оғир ва мушкул вазиятда Ватан озодлиги деб Жалолиддин Мангуберди ширин жонини ўтда ёққан, асов денгиз каби жунбушга келиб, салафларини курашга ундаган. Темир Маликдай ёвқур саркардалар уни қўллаб-қувватлаб, Ушанда шаҳзода Халил Султон хазрат Соҳибқирон васиятининг поймол қилиб, жиловни қўлга олди, шу тариха иттифоққа дарз кетди ва иттилофга йўл очилди.

Дунёнинг иши яна бузилди. Яна тожу тахт учун кураш бошланди. Бунинг оқибати шу бўлдики, замонлар ўтиб яна тасодифий қимсалар салтанат тепасига чиқиб қолди. Яна парокандалик бошланди. Яна фалакни қир ва қора булутлар тўсиб қўйди. Мовароуннаҳр яна парокандалди.

Абдулла Кодирий бу йилларни тарихимизнинг қир ва қоронги даври деб бежиз атаган эмас. Амир ва хонлар ўз маишатида ортаман, амалига маҳлиб бўлиб бир бутун халқни бўлақларга бўлиб юборган жаҳолатга тўлик ўша йиллар ҳалокат ва инқирозга йўл очиб берди.

Бухоро амирини бир эсга олинг! Тақдирнинг ҳал қилувчи раҳасида ким Ватандан юз ўгирлади? Ким уни ҳалокатдан қутқариш ўрнига миллатни, она юртининг истилога ташлаб, олтин олиб қочади?!

Халққа баш булган раҳбару раҳману шундай беор ва калтабин бўлиши мумкинми?!


Зеро, одамни ички эҳтиёжидан ортқ нарсага ундаб бўлмайди. Қачон шоқол арслоннинг ўрнини босган? Бундай тоифа амалга ёпишиб олади, дунёни ўт олиб кетса ҳам, барибир. Жабр — жабр, халққа — жабр. Бунинг бир мисоли сифатида Карманнинг истило қилинишини эслаш кифоя. Маълумки, ўша вақтда одамлар қўш ҳайдашдан бошқа билмаган. Ганим эса жамоат Жума намозиға йиғилган пайтда Қосим Шайх масжиднинг гўмбазини тўнга тутган. Гўмбазнинг бир чети учиб кетган. Бу — тўп нималигини билмаган намозонлар орасида қандай қўрқинч, ваҳм ва

саросима кўзгаганини тасаввур этиш қийин эмас. Ҳамма галдираб, ўзи билан ўзи бўлиб қолган. Босқинчилар эса уларни қилишдан ўтказган...

Бу — соддадиллик эмас, балки савиянинг пастлиги, тушунчанинг жўнлиги, халқни жаҳолатда тўтиб туриш оқибатидир.

Президент Ислам Каримов 1999 йил 16 февраль воқеаларида сўнг Олий Мажлисда ўтган йиғинда: "Тарихимиз оғир тарих, тарихимиз оғир!" — дея бежиз таъкидлаган эмас. Унда чу-

ти курашимиз деб узлуқсиз хуруж қилгани, қўп қонлар тўқкани ҳамон ёдимизда. Амални ва ўз манфаатини севувчилар демократия байроғи остида содир этган "ўйин"лар ҳали унут бўлгани йўқ! Зеро, у кунларни, оғир йўқотишларни унутиш ҳеч мумкин эмас!



Шу маънода, озодлигимизнинг ўн саккиз йили алоҳида қиммат касб этади. Бу йиллар ганимларга қарши кураш, мустақилликни мустаҳкамлаш, шу билан бирга куриш, яратиш, яшариш ва та-

курашимиз деб узлуқсиз хуруж қилгани, қўп қонлар тўқкани ҳамон ёдимизда. Амални ва ўз манфаатини севувчилар демократия байроғи остида содир этган "ўйин"лар ҳали унут бўлгани йўқ! Зеро, у кунларни, оғир йўқотишларни унутиш ҳеч мумкин эмас!

Шу маънода, озодлигимизнинг ўн саккиз йили алоҳида қиммат касб этади. Бу йиллар ганимларга қарши кураш, мустақилликни мустаҳкамлаш, шу билан бирга куриш, яратиш, яшариш ва та-

курашимиз деб узлуқсиз хуруж қилгани, қўп қонлар тўқкани ҳамон ёдимизда. Амални ва ўз манфаатини севувчилар демократия байроғи остида содир этган "ўйин"лар ҳали унут бўлгани йўқ! Зеро, у кунларни, оғир йўқотишларни унутиш ҳеч мумкин эмас!

Шу маънода, озодлигимизнинг ўн саккиз йили алоҳида қиммат касб этади. Бу йиллар ганимларга қарши кураш, мустақилликни мустаҳкамлаш, шу билан бирга куриш, яратиш, яшариш ва та-

курашимиз деб узлуқсиз хуруж қилгани, қўп қонлар тўқкани ҳамон ёдимизда. Амални ва ўз манфаатини севувчилар демократия байроғи остида содир этган "ўйин"лар ҳали унут бўлгани йўқ! Зеро, у кунларни, оғир йўқотишларни унутиш ҳеч мумкин эмас!

марқанд-у Бухорони, Хива-ю Шаҳрисабани бино этган. Улар "Шашмаком"-у "Тановар"ни, "Алпомиш"-у "Тўрғули"ни яратган ва замонлар оша унга сайқал берган, қувонч-у, ҳасратини, орзу-истак ва дардини унга тўкиб солаган. Шу билан ҳаёт яшарган, армон ва тилқал абадиятга муҳрланган. Миллат тафакқури такомил топган.

Истиклолнинг биринчи кунидан бошлаб халқимизга шу фазилат эш бўлгани, ҳаётнинг ҳар бир лаҳзаси куриш-яртиш билан ўтаётгани кўнгилга ёруғлик бағишлайди. Боғлар, хибоблар, шинам кўчалар ва муъаззам кўприқлар қад ростламоқда. Муҳташам қосоналар, қўрқам ва замонвий бозорлар, лицейлар, коллежлар барпо қилинмоқда. Обод эиэратгоҳлар, тарихий обидалар мафтункор кўриниш касб этмоқда. Тикувчилик қорхоналари ва автозаводлар бетақорр маҳсулотли билан кўзларни қувонтирмоқда.

Имом Бухорий мажмуасини, Ҳазрати Имом ансамблини ёки Мустақиллик майдонини бир эсга олинг. Бурҳониддин Марғиновий ансамблини, "Шаҳидлар хотира-си" эиэратгоҳини ёки Бизнес марказини бир кўз олдингизга келтиринг. Буларнинг ҳар бири, шунингдек, "Навойи-Султон Увайс-Нукус", "Тошгузар-Бойсун-Қумқўрғон" темир йўллари кўни кеча барчани ҳайратга солган. Бугун бу муъжизалар оддий-оддий ҳақиқатга, ҳаётимизнинг ажралмас қисмига айланган. Ва бу ҳол янада улкан ишларга қўл уришга ундайди.

Одатда ҳаёт шундай раванқ топайди.

Бу бизнинг сўнгги манзилимиз эмас. Бу — улғу сафарбарликнинг бир босқичи, ҳолос.

Ҳадиси шарифда айтилгандек, **Ватанин семмок йимондандир.** Кўзингизни очиб, дунёға бир қаранг! Нималар бўляпти? Утган ўн саккиз йил ичида бир ниҳол элмаган юртлар, элатлар қанча. Боши урушдан чиқмаган халқлар, миллатлар қанча?!

Қанча қудратли давлатлар инқирозга юз тузди. Яна қанчасининг боши табиий офатдан чиқмапти.

Шундан келиб чиқиб, ўғил-қизларимиз камолга бир назар солинг! Уларнинг буй-бастига қаранг! Орзу-ҳавасингиз жилвасини кўриб, ширин бир орзиқш жонингизни ўртади. Шукр! Зероки, биз улар билан тиримиз! Уларга бўлган меҳр Ватанга муҳаббатнинг ўқ илдизидир. Шунинг учун ҳар бир онимиз Ватанин обод этишга қаратилган, шунинг учун фарзандларимизга биздан эозуд ва обод Ватан қолсин дейимиз!

Ғаффор ҲОТАМ

### САЙЛОВ

Маълумки, жорий йилнинг декабрь ойида юртимизда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашига сайлов бўлиб ўтади. Ҳозир ушбу сиёсий тадбирга юқори даражада тайёргарлик куриши ва уни ўтказиш, шунингдек, сиёсий партияларнинг давлат ҳокимияти органларини шакллантириш жараёнида фаол иштирок этиши учун зарур шарт-шароитлар яратиш бўйича тайёргарлик ишлари олиб борилмоқда.

## Жиддий сиёсий тадбир

Самарали демократик сайлов тизимининг яратилиши — мамлакатимиз мустақилликка эришган кундан буён тамомила янги давлат куришини шакллантириш, ижтимоий-сиёсий курилиш соҳасини демократлаштириш, ҳокимият тармоқларининг бўлинишини таъминлаш, реал иқтисодийнинг жадал суръатларда ривожланишида, аҳолининг турмуш даражаси ва фаровонлиги ўсишида ўзининг яққол ифодасини топаётган чукүр иқтисодий-ижтимоий ислохотларни амалга ошириш борасида олиб борилаётган ишларнинг энг муҳим бўлинига айланган.

Ўзбекистон Республикасининг 2008 йилда қабул қилинган "Сайлов тўғрисида" қонун ҳужжатларининг тақомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонунларига ўзгариш ва қўшимчалар киритиш ҳақида"ги Қонунга мувофиқ тарзда мамлакатимиз сайлов қонунчилигига киритилган ўзгаришларни ҳисобга олган ҳолда ўтказиладиган жорий йилги сайловлар мамлакатимиз демократик янгилаш ва модернизация қилиш бўйича ислохотларни чуқурлаштириш ишида муҳим босқич бўлади. Унга қўра, қонун ҳужжатларига сайлов комиссияларининг сайловга тайёргарлик куриши, уни ўтказиш бўйича фаолиятида ошқораликни кенг таъминлашга қаратилган нормалар ҳамда Ўзбекистон Республикасининг амалдаги 13 та қонунига ва мамлакатимиз Конституциясининг 77-моддасига ўзгариш ва қўшимчалар киритилди.

Мамлакатимизни демократик янгилашда сиёсий партиялар ва фуқаролик жамияти институтларининг

ижтимоий-сиёсий фаолигини ошириш мақсадида Қонунчилик палатасидаги депутатлик ўринлари сони 120 тадан 150 тага қўлайтирилгани ҳам алоҳида эътироф этиш жоиз. Шу билан бирга, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, одамлар саломатлигини яхшилаш учун курашиш масалаларининг ниҳоятда муҳимлиги, шунингдек, жамиятимизнинг барча қатламлари манфаатдор бўлган муаммоларни эътиборга олган ҳолда янги қонунга мувофиқ Ўзбекистон Экологик ҳаракатидан сайланадиган депутатларга 15 та депутатлик ўрни берилмоқда.

Яна бир янгилик сифатида — бўлажак сайловларда мамлакатимиз ижтимоий-сиёсий ҳаётидаги юз бераётган реал жараёнларни ҳисобга олган ҳолда сайловчилар ташаббускор гуруҳларидан депутатликка номзодлар кўрсатиш институти тугатилгани айтиш мумкин. Ўз-ўзидан депутатликка номзодлар кўрсатиш ҳуқуқига фақат сиёсий партиялар эгадирлар. Қонунчиликка сиёсий партияларнинг ваколатли вакили — институти киритилмоқда ва унга сайлов участкаларида овозларни санаб чиқишда, имзо ва рақаларини тузишнинг тўғрилигини текширишда иштирок этиш ҳуқуқи берилмоқда. Депутатликка номзодларнинг ишончли вакиллари сони 5 нафардан 10 нафаргача қўлайтирилди.

**Саид ШУКУРОВ,** Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси аъзоси, Жиззах вилояти адлия бошқармаси бошлиғи ўринбосари.

### НАЗОРАТ

Мамлакатимизда тадбиркорлик билан шугулланишни ихтиёр этганлар учун барча шарт-шароитлар яратилган. Хусусан, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасига имтиёзли кредитларнинг ажратилиши, солиқ устамаларининг пасайтирилиши, тадбиркорлар фаолиятига ноқонуний аралашиларга чек қўйилаётгани мазкур йўналишда фаолият кўрсатаётган субъектларнинг қисқа вақт ичида ўзларини ўнглаб, ҳақиқий мулкдор сифатида шаклланишларига замин бўлмоқда.

## Тадбиркорлик ниқоб бўлолмайди

Пировардида, улардан мамлакатда ишлаб чиқариш ва сервис хизматини яхши йўлга қўйиш, янги иш ўринларини барпо этиш, қишлоқ жойларда яшовчи тадбиркорларнинг эса саноатни қишлоққа олиб кириши, курилиш ҳамда савдо соҳасини янада ривожлантириши кутиляпти. Табиийки, бу талабларга жавоб берадиган тадбиркорлар ҳам кўпчиликни ташкил қилади. Фақат белгиланган солиқ ҳамда мажбурий тўловларни ўз вақтида тўлаб туришса, бас.

Бироқ шундай тадбиркорлар ҳам учрайдики, улар қонунга юзаси муносабатда бўлиб, даромадини яшириш, солиқ қонунчилигига эид фаолият кўрсатиш, савдодан тушадиган маблагларни ўзлаштириш каби гайриқонуний ишларга қўл урадилар. Охир-оқибатда бундайлар фаолиятига чек қўйилапти. Масалан, "Синдор мега плюс" хусусий қорхонаси фаолияти ўрганилганда, қорхона раҳбари солиқ тўлашдан бўйин товлаш учун Пешку туман ҳокимлигидан улгуржи савдо фаолияти билан шугулланиш учун махсус лицензия олмасдан, банкка қалбаки лицензия тақдим этиб, 2009 йилнинг январь-февраль ойларида жами 227548 минг сўмлик улгуржи савдо фаолиятини амалга оширган. Аммо тўланиши лозим бўлган 11377 минг сўмлик 5 фойз ли ягона солиқ тўловининг фақат 5000 минг сўмини тўлаб, қолган 6377 минг сўмини тўлашдан қасддан бўйин товланган.

Шунингдек, ўтган давр мобайнида пул кўчириш йўли билан олинган 68320 минг сўмлик харидордир маҳсулотларни сотишдан тушган нақд пулларни назорат-касса машинасида ўтказмагани боис банкка топширилган. Оқибатда 2 фойзли ягона солиқ тўловини тўлашдан бўйин товлангани аниқланди. Амалдаги қонунларга қўра, "Синдор мега плюс" хусусий қорхонасининг мансабдор шахсларига нисбатан жиноят иши кўзгатилиди.

Жорий йилнинг ўтган даврида департаментнинг туман бўлими томонидан "Нурмухаммад", "Ойбек-Мухаммадали-Мадамбек", "Пешку равнақи", "Садр Ал Зеб", "Илғор мадад курилиши" каби хусусий қорхоналар ва Пешку ММТП ДАЖ каби 7 та қорхона раҳбарлари устидан жиноят иши кўзгатилиди. Сабаби давлат бюджетига етказилган 109.846 минг сўм зарар, бюджетга қўшимча ҳисобланган 128367,6 минг сўм солиқ суммаси, қўлланилган молиявий жарималар 7173,8 минг сўмин ташкил этади. Агар нақд пуллар ўз вақтида банкларга топширилганда юртдошларимизнинг ойлик иш ҳақлари, нафақаларнинг нафақаларини тўлашга хизмат қилган бўларди.

**Меҳридин КАМОЛОВ,** Бош прокуратура ҳузуридаги СВОЖДЛКҚДнинг Пешку туман бўлими бошлиғи.

## Суднинг бир-бирига зид икки қарори...

Фуқаролик ишлари бўйича Миробод туманларо судида мана бир неча марта суьёя Ш.Аҳатова раислигида ҳаққий эмас деб топши тўғрисидаги даъвои куриб чиқилди. Лекин афсуски, ишга бир томонлама ёндашилмоқда. Бу табиийки, мамлакатимизнинг амалдаги қонунчилигига зиддир.

Масалан, В.Кайдановичнинг "MARSEN" ва "Лолита" хусусий фирмалари, "Бекободцемент" акциядорлик жамиятига нисбатан даъво аризаси бўйича суд қарорлари Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик процессуал кодексининг 31-моддаси, Ўзбекистон Республикаси Хўжалик процессуал кодексининг 23-моддасини қўпол равишда бузиб қабул қилинган. Сабаби юридик шахслар ўртасидаги хўжалик низолари фақат хўжалик судларига тегишли бўлиб, судлар олдидан сотдиси бўйича низо икки та юридик шахс орасидаги низо ҳисобланади. Ваҳоланки, даъвогар В.Кайданович "MARSEN" ва "Лолита" фирмалари ҳамда "Бекободцемент" жамиятлари билан шартнома муносабатлари иштирокчиси ҳисобланмайди. Шу боис ўз навбатида мазкур низо бўйича қонуний жиҳатдан даъвогар ҳам эмас.

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 228-моддасига мувофиқ мулкдор ўз мол-мулкни ўзганин қонунсиз эгаллигидан талаб қилиб олиш-

лаётганда, суд Фуқаролик кодексининг 5-моддасига мувофиқ, қонун ҳужжатларида ўхшашлик бўйича қўллаши, яъни Хўжалик процессуал кодекси нормаларини қўллаши зарур эди. Хўжалик процессуал кодексининг 86-моддасига мувофиқ ишда иштирок этувчи шахс ҳисобланган қорхона ёки ташкилот тугатилган бўлса, суд иш юритишни тўхта-тади.

Демак, В.Кайданович ушбу фуқаролик иш бўйича даъвогар ҳисобланмайди, шу боис унинг талаблари рад этилиши лозим эди. Мазкур фуқаролик иши ҳам судда қатнашаётган юридик шахсларнинг тугатилгани сабабли бекор қилиниши керак эди. Ваҳоланки, низоли вагонлар "MARSEN" фирмаси томонидан қонуний асосда учинчи шахсларга топширилгани суд томонидан эътиборга олинмади.

Шу билан бирга даъвогар В.Кайдановичнинг барча низоли битим ва ҳаракатларга нисбатан даъво мuddатлари ўтказиб юборилган. Бу ўз навбатида унинг даъво талабларини рад этишга асос бўла олади. Дастлаб фуқаролик ишлари бўйича Миробод туманларо суди судьяси Ш.Аҳатова раислигида 2007 йил 7 декабрда мазкур иш қўрилган ва ишга ноҳилис ёндашилган. Мазкур суд қарори бекор қилинмасдан, судья Ш.Аҳатова раислигида 2009 йил 23 апрелда иш қайта қўрилиб, 40 та вагон думпкарни В.Кайданович эгаллигига бериш тўғрисида қарор чиқарди. "MARSEN" фирмаси айни

### ХАТ

пайтда қонуний иш юритиб, солиқ ва бошқа тўловларни ўз вақтида амалга ошириб келмоқда. Суднинг бундай ноқонуний қарори фирманинг иқтисодийига салбий таъсир кўрсатиши, қорхона жамоасида ижтимоий адолатга ишончсизлик туғдириши шубҳасиз. Табиийки, "MARSEN" фирмаси иш фаолиятида ўзининг техника воситаларини бошқаларга шартнома асосида ижарага берган. Бу қонунчилик меъёрига тўғри келмади. Лекин бунинг нотўғри талқин қилинишини биз суддан қутмаган эдик.

Шунингдек, суд мажлиси судда иштирок этиш ҳуқуқига эга бўлган юридик шахслар вакиллари йўқлигида бўлиб ўтган. Шундай қилиб, суд Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик процессуал кодексининг 152-ва 314-моддалари талабларини бузган ҳолда битта бир хил даъво талаби бўйича бир неча бир-бирига зид бўлган қарорлар қабул қилинган. Буни қандай тушуниш мумкин?

Ахир, юртимизда ҳуқуқий демократик давлат бунёд этилаётган, мамлакатимиз Президент томонидан тадбиркорларга барча қонуний асослар яратилган, қонун устуворлигини таъминлаш бўйича ҳамма чора-тадбирлар қўриляётган бир пайтда судья Ш.Аҳатованинг ноқонуний қарорлари мамлакатимиздаги одил судларнинг образини туширмайдими?

**Б.КУНУБТАЕВ,** "С.Якубов ва адвокатлар" адвокатлик ҳайъати адвокати.

# ГАЗЕТХОННИ НИМА ҚИЗИҚТИРАДИ?

## ЛАПИН ЖАНОБЛАРИНИНГ МАҲАЛЛИЙ БОЛАЛАР БИЛАН БИРГАЛИКДАГИ САЁХАТИ ХУСУСИДА

(Бошланғичи 1-бетда.)

Айталик, "Шифо-инфо" — "Тиббий-маърифий, ҳаммабоп газета" ёки "Ҳеч қачон эскирмайдиган газета" деган таърифни ўзига нисбат берса, "Сўғдиёна" — "Мунис аёллар газетаси!", "Эрудит SPORT" — "Асл ишқибозлар газетаси", "Кўнгли кўчалари" — "Ўқисангиз, шу газетани ўқинг!" (Бу иборатда бошқа газетани ўқиманг деган маъно чиқмасмикин?), "Бекажон" — "Оилавий газета", "Заковат" — "Оқиллик — одамнинг олтин тожи", "Хордик плюс" — "Дам олиш газетаси", "Аёл қалби" — "Сиз борсизки, олам мунаввар", "Ташхис" — "Соғлом ҳаётга интилиб яшаймиз!", "7x7" — "Ижтимоий оммабоп газета", "5x5" — "Жумбоқдан топар камол, ҳар қаллада зўр хаёл!", "Ором" — "Кўнглингизни хушлаш-чун мудом, Ҳар пайшанба ҳамроҳдир Ором", "Пирамида" — "Жумбоқ ақлни қайтар, муҳлис дилдан яйрар!" ёки "Интеллектуал сканвордлар газетаси", "Жозиба" — "Жозибали сканвордлар жилоси" каби таърифу тавсифлар орқали ўзларининг бетакдор ва алоҳида эканликларига ургу беришади.

— Мен ҳар куни газета дўконига чиқиб, жиддий газеталарни ҳам, кўнгличар нашрларни ҳам сотиб оламан. "Халқ сўзи", "Қишлоқ ҳаёти", "Хуррият" газеталарини ўқиб, бугунги ҳаётимиз, дунё воқеалари билан танишаман, — дейди иқтисодчи олим, меҳнат фахрийси Абдулборий Раҳимов. — Кичик нашрлар ичида "Ташхис"ни қолдирмай ўқийман. Мақолалари содда, илҳам, ҳаётий. Ушбу газета ижодкорлари ўқувчи қалбига ўзига хос йўл топишган. Бу таъриба бошқа нашрлар учун ҳам ибратга лойиқ, деб ўйлайман.

Кўнгличар нашрларнинг мавзу йўналишлари, нима қилиб бўлмасин, дунёнинг турли бурчакларида учраётган шов-шувлар, факултетада ҳодисаларни қизиқарили шаклда баён этишга қаратилган. "Бахтсиз ҳодисаларнинг сабабчиси — безовта руҳларми?" ("7x7"), "Ғайриихтиёрий онг мўъжизалари" ("Ташхис"), "Кўринмас одам" ("Бекажон"), "Жигаридан айрилган ке-

лин" ("Хордик плюс"), "Соқоли қикмай қариганлар" ("Аёл қалби"), "Бойишнинг йўли кўп" ("Кўнгли кўчалари"), "Рентген қизалоқнинг ғаройиб қобилиятлари" ("Сўғдиёна"), "Боском водийсининг сири" ("Шифо-инфо") каби сарлавҳаларнинг ўзи ҳам беихтиёр газетхонни жалб этиши мумкин.

Сақиз саҳифаси нуқул сканворду ихчам латифалардан иборат нашрларда бош муҳаррир лавозимлари ҳам бор



("СкандиWORD"), "5x5"). Аслида бир неча бўлимлардан иборат газеталар тахририят тузилмасида "Бош муҳаррир" лавозими бўлгучи эди. Эндиликда раҳбарий лавозимга етишишни армон қилган касбдошларимиз ҳафтада бир марта чиқадиган жумбоқли нашрни очиб, орзуларини амалга оширишлари мумкин. Шу хилдаги баъзи нашрларда эса камтарона қилиб "Муҳаррир", "Масъул муҳаррир" каби имзоларни учратамиз.

Идораларнинг хизмат машинасини ҳайдовчи шофёрлар кўп ҳолларда зерикмаслик учун сканворд нашрларни эрмак қилишганига қўзимиз тушади. Қабулхона, кўзовуҳоналарда ҳам шу машғулотни кўриш мумкин. Демак, шундай нашрлар ўз ўқувчисини топмоқда. Умуман, бу борадаги муҳлисларнинг чеки-чегараси йўқ. Яна бир гап. Саволлар баъзан шу қадар содда, жўнки, бунинг нимаси бошқотирма экан, деб ўйлайсиз. Хат — нома, пок эмас — нопок, "сим"-

нинг тескариси — мис, куёш — офтоб, ҳафтанинг иккинчи куни — сешанба, энг кичик жуфт сон — икки, савдо қатори — раста каби саволлар газетхонни фикрлашга ундамайди-ку!

Илгари ребус, кроссворд, чайворд, криптограмма каби қизиқарли бошқотирмалар болалар нашрларини беэаб келар, уни топишга интилган ўқувчилар қанчадан-қанча китоблардан жавоб излар, шу аснода билим доиралари кенгайиб борарди.

портрет учун жой очиб мумкин. Баъзан ўша санъаткорнинг жамиятимиздаги маъкеи, ўрни қандай бўлишининг аҳамияти йўқ, Матбуот бозорига босма нашр ўз муҳлисини топиши учун нима талаб қилинади? Табиийки, бошқаларга ўхшамаслик, ўзига хослик. Газетхонни нима қизиқтиради? Бирор меҳнат жамоасидаги ибратли тажрибами? Йўқ, кўп ҳолларда инсон қалбини жунбушга келтирадиган, уни ҳайрон қолдирадиган воқеалар диққатни жалб қилади. Сарлавҳаларга эътибор қилинг: "Босқинчилар", "Бахт ўғриси", "Қотил пластиклар", "Рашқ қурбони" ва ҳоказолар. Аксарият газеталарда берилётган "Мунажжим башоратлари" эса умуман бир-бирига ўхшамайди.

Яқинда ҳамкасбларимиздан бири куйидаги қиёсани айтганда баъзилар қўшилди, баъзилар шунчаки қулиб қўйилди. Ҳамкасбимиз ижтимоий-сиёсий ҳаётни кун сайин ёритаётган нашрларни, таъбир жоиз бўлса, галстук тақиб костюм-шим кийган йигитга, кўнгличар газеталарини эса анвойи беэаб ва тақинчоқ таққан соҳибжамол келинчакка ўхшати. Айрим газеталар силлиқ муқовалар ва ранг-баранг суратлар ила беэаб, журналлардан ҳам кўркам қиёфа касб этмоқда. Бундай тинмай изланишлар мазмун-мундарижа бобидаги такомиллашув билан уйғунлашса айни муддао бўларди.

Президентимиз Матбуот ва оммавий ахборот висоталари ходимлари кунги муносабати билан йўллаган табриқларида журналист меҳнатини баланд тоғ чўққисига чиқиш машаққати билан қиёсладилар. Бу айни пайтда ҳамкасбларимиз меҳнатига берилган юксак баҳо ҳамдир. Ўртимизда фаолият юритаётган журналистлар, хоҳ қундалиқ сиёсий-ижтимоий нашрда ишласин, хоҳ кўнгличар газетада, бу юксак мезонга муносиб бўлишлари керак. Халқимизда матбуот сўзига нисбатан эътиқод юккан. Уни қадрлар, газетхон қалбига йўл топиш фаолиятимиз мезонига айланиши — давр талабидир.

Шухрат ЖАББОРОВ, журналист.

Лапин тўра хабар берадурким, ул баланд даражалик Туркистон генерал-губернатурининг фармойишлари бўйича Русия мамлакатининг ички қари тарифидаги шаҳарларни кўрмак учун боргон 19 адад мусулмония болаларнинг исмлари ушбубур. Чунончи, Тошқанд шаҳридин борганлар: Эшонхон ва Саидмухаммудхон бўлуб ўтмиш қози Муҳаммад Мухиддин хўжа ўғлилари ва Рустам Жалил ўғли ва Раҳматулла Содик ўғли ва Асадулла Абдулвахоб ўғли ва Абдулвали Абдулмуъмин ўғлидурлар, Авлиё ота шаҳридин боргон Саримсоқ Чинғизбой ўғли ва Фаргона ўблас-

тидин боргон Муҳаммадин Муҳаммадали хўжа ўғли, Фозилбек Отабек ўғли, Латиф Соқоқали ўғли, Эгамберди Бобораҳим ўғли, Юнус Тошмухаммад ўғли, Раҳматулла Абдулрахмон ўғли ва Самарқанд шаҳридин боргон Йўлдош Ўтқулбой ўғли ва Тўракул Каримкул ўғли, Маҳмуд Турсункул ўғли ва Садриддин Назар ўғли ва Каттакўрғон шаҳридин боргон Эргаш мирзо Кўки ўғлидур. Мазкур ўғул болаларга хизмат қилмак учун Ашурбек Ғунобой ўғли биргалишиб борибдур. Ва мазкур тамоми мусулмония болалар ўткан ҳафтада, 23 нчи июнда Самар-

қанд шаҳрида жамъ бўлишиб оташ аробага ўлтуруб жўнаб, 26 нчи июнда Красноводский шаҳрига бориб, мазкур кун оташ кемага ўлтуруб Каспийский денгиздин ўтуб бориб Петровский шаҳри тарафида кетибдурлар. Петровский шаҳридин мазкур болалар Петербург шаҳрига бориб, ондин Масков шаҳрига қайтиб, Нижной шаҳрига келиб ярманкани кўруб Эдил дарёсини оташ кема илан Антархон шаҳрига чорадурлар ва мазкур сафар хусусида янадин хабар берамиз.

"Туркистон вилоятининг газети", 1899 йил, 3 июл, 25-сон.

ИЗОҲЛАР: Лапин тўра — Шерали (Серали) Лапин (1868-1919) — Петербург университетининг юридик факультетини тугатган, Самарқанд вилояти ҳарбий губернаторининг таржимони бўлиб ишлагани учун "ТВГ" унинг номига "тўра", яъни "амалдор" сўзини қўшиб ишлатган. Туркистон генерал-губернатурининг фармойишлари бўйича... — 1898 йил июнида Туркистонга генерал-губернатор бўлиб келган С. М. Духовской ушбу йилнинг май ойида содир бўлган Дукчи эшон кўзғолони ўта шафқатсизлик билан бостирилгани туфайли маҳаллий аҳоли ёшларидан Россия давлатига нисбатан пайдо бўлган нафратни илиқ муносабатга ўзгартириш мақсадида ҳар йили рус-тўзем мактабларининг ўқувчиларидан бир гуруҳ ташкил этиб, ички Россияга саёхатини давлат ҳисобидан уюштириш юзасидан фармойиш берган. Духовской фикрига қўра, Россиядек давлатнинг беповён худудини ва қудратини ўз қўзи билан қўрган маҳаллий ёшлар салтанатга қарши исён, қўзғолонларнинг беҳудалигини тушуниб етишлари ва бу тушунчаларини бошқаларга ҳам сингдиришлари лозим эди. Бўлиб ўтмиш қози Муҳаммад Мухиддин хўжа (1852-1902) — Тошкентнинг Себزو даҳасига узок мuddат қозилик қилган собиқ амалдор. У мустабидлар билан тил топишига ҳаракат қилган. Авлиё ота — ҳозирги Қозоғистон худудидидаги шаҳар. У Талас дарёси бўйига жойлашган. Пайғамбаримизнинг кўвларини Ҳазрати Амининг еттинчи авлоди Шоҳ Маҳмуд ибн Абдулазиз ҳижрий 283

йилда вафот этган, Талас дарёси бўйига дафн этилган. У халқ орасида Қоракхон авлиё, Авлиё ота нисбалари билан машҳур бўлган. Шу боис мазкур шаҳар муайян мuddат (1856-1936 йиллар) Авлиё ота деб ҳам юритилган. Ўрта асрларда эса бу шаҳарнинг номи Тароз деб ҳам аташган. Бонси, "талас" сўзи туркларнинг аргин (аргу) қабиласи шевасида "тароз" дейилган. 1938 йилда мазкур шаҳар қозоқларнинг машҳур оқини Жамбул Жаббаев номига қўйилди. 1997 йилга келиб яна Тароз деб атала бошлаган. Фозилбек Отабек ўғли — 1927 йилда Дукчи эшон кўзғолони ҳақида китоб ёзган шахс. Петровский... — Саратов областидаги шаҳар. Нижной шаҳрига келиб ярманкани кўруб... — Нижной Новгородда 1817 йилдан бошлаб ҳар йили ёз ойларида бўлиб ўтадиган сардо-саноат ярмаркаси. 1899 йилги ярмарка 15 июлда очилган. Эдил — Волга дарёси. Антархон — Астрахан шаҳри. Оташ ароба — поезд. Оташ кема — пароход. Мазкур сафар хусусида янадин хабар берамиз — дарҳақиқат, "ТВГ"нинг 1899 йил 21 август сонига боларлигини 12 август кунги Самарқанд шаҳрига қайтиб келишгани хабар қилинади. Саёхат давомида кўришган "таажжубли" воқеалари ҳақида Эшонхон ва Саидмухаммудхон Муҳаммад Мухиддин хўжа ўғлилари номидан газетанинг 1899 йил 25 сентябр, 2, 9, 16 октябр, 13, 20, 29 ноябр сонларида ҳисобот босилган. **Нашрга тайёрловчи: Бойбўта ДУСТҚОРАЕВ.**

# ФИЛЬМ ЯРАТИШДАН МАҚСАД НИМА?

Шундай пайтлар бўладики, шаҳар шовқинидан безган кишининг кўнгли театр ё кинотеатрга боришни, юракка яқин санъат асарларидан баҳраманд бўлишни истайди. Негаки, кино кўрган ё театрга борган одамнинг кайфияти кўтарилши билан бирга маънавий озукка ҳам олади. Дилдаги губорлар тарқалади. Дунёқароши кенгайди. Аммо томошанин кўраётган ўша санъат маҳсулотини сифатсиз бўлса-чи? Маънавий озукка излаб кинотеатрга келган муҳлиснинг ҳафсаласи тир бўлиб чиқса-чи? Шовқин-суронлардан безган одам баттарроқ толоғун-у, бақир-чақирларга дуч келса-чи? Унда кетган вақтининга, сарфлаган пулинига ичине аччидай-да, албатта. Яқинда биз томоша қилган фильм ҳақида ҳам худди шу фикрларни айтиши мумкин.

ила аъзоларимиз билан дам олиш кунларининг бирида пойтахтимиздаги Алишер Навоий номидаги кинотеатрга бордик. У ерда бир неча фильмлар намойиш қилинаётган бўлса-да, биз Зебо Наврўзова режиссёрлик қилган "Шаҳарлик олифта" номли кинога чимта олдик. Истагимиз самимий юморга бой, бадий жиҳатдан юксак савияда суратга олинган кинокомедия томоша қилиш эди. Шундай қилиб, таклиф этилаётган залга кириб, олд қаторга жойлашиб ўтирдик. Залнинг чироклари ўчиб, фильм бошланди.

Шу ўринда газетхонга тушунарлироқ бўлиши учун фильмнинг қисқача мазмунини ҳақида тўхталиб ўтсак. Шаҳарда яшовчи бир оиланинг яқка-ю ёлғиз ўғли стоматология коллежини тамомлаш арафасида. Эркатой фарзанд


дипломини ҳали олганича йўқ. Пойтахтимиздаги қайсидир шифохонада амалиёт ўтапти. Унинг онаси бўлса, отасини "Яқкаю ёлғиз ўғлимизни чет элда ҳам ўқита олмаймиз", деб койганига-койган. Кунора бўлиб турадиган бу жанжал эрка фарзанднинг жонига тегади. Онанининг бақир-чақирларидан кутулиш учун машинасини миниб, боши оққан томонга кетади. Кечаси билан йўл юриб толиққан қаҳрамонимиз бири қишлоққа қираверишда ўз уловида ухлаб қолади. Буни ўша ерлик бир отахон кўриб, йигитини уйғотади ва бу томонларда нима қилиб юрганни сўрайди. Йигит мақсадини айтганидан сўнг, отахоннинг чехраси еришиб, қишлоқдаги амбулаторияда мутахассис йўқлигини, хоҳласа шу ерда ишлаши мумкинлигини айтиди. Нима қилишини билмай турган йигитга бу таклиф ёқиб тушади. Ва у ишни бошлаб юборади. Табиийки, шу ерда савол туғилади: ҳали диплом олиш тугул ама-

лиётни ҳам тўлиқ ўтамаган йигит қандай қилиб амбулаторияда иш бошлаши мумкин? Бир қарашда бунга мутахассис йўқлиги билан оқласа бўлар. Лекин қишлоқ одамлари ҳам анойи эмас. Улар тиббий малакаси тўлиқ бўлмаган бир йигитга ўз саломатликларини топшириб қўйиши мумкинми?

Хуллас, шаҳарлик йигит қишлоқда яшовчи Гулсум исмли эрлик беш ёшлар чамасидаги эр беш аёлникида ижарада яшаб ишлади. Элининг озига элак тутиб бўлмайди деганларидек, "шифокор" ҳақидаги гап бир зумда бутун қишлоққа тарқалади. Айниқса, бу гап қизларга хуш ёқади. Меҳмонини кўриш учун қишлоқнинг ҳамма қизлари амбулатория эшигини олдида соатлаб навбат кутади. Бунга кўрган эши катта кишилар эса уларга ҳеч бир танбех бермайди. Энди ўзингиз ўйлаб кўринг. Қишлоқларимизда истикомат қиладиган қизлар шу даражада ҳаёсиз бўлиб кетдики?

Уларда ор-номус, уят деган туйғулардан асар қолмадики? Йўқ, албатта, Барчойнинг, Тўмариснинг авлоди бўлган қишлоқ қизларини ор-номусдан йироқда, деб бўлмайди. Улар учун уят ўлимдан қаттиқ. Шаҳардан келган бир йигитни кўриш учун навбатда туриш тугул ў ҳақида хаёл суришдан ҳайикадиганлари ҳам кўп. Ёки қишлоқ қизларидан бирига бегона қиё боқиб кўрсин-чи? Назаримизда Зебо Наврўзованинг мазкур фильмнинг кўрган қишлоқ йигитининг нафсонияти кўзгаллишига шубҳа йўқ.

Яна фильмдаги воқеалар ривожига тўхталади-кан бўлсак, Гулсум опа шаҳарлик йигитга қўшинининг чиройли қизи (унинг исми Гулчирой) борлигини айтиди. Шундан кейин бош қаҳрамон ўша қизнинг кўнглига қўл солишга урина бошлайди. Аммо бошқалардан фарқли равишда қиз бунга эътибор ҳам бермайди. Айни пайтда Гулчиройга раис опанинг ўғли Ашир ҳам кўнгли қўйган бўлади. Натихада ошиқлар ўртасида ўзаро қарама-қаршилик юзага келади. Уларнинг ҳар иккиси ҳам бор имкониятини ишга солиди. Вазиятдан раис опанинги ўғли "унумли" фойдаланмоқчи бўлиб, Гулчиройнинг отасига анча вақтдан бери бузуқ машинасига шина олиб беради. Бундан қувонган ота ўзини қўярга жой тополмай доимо Аширини мақтади.



Шундан кейин ошиқ дардини (ҳеч иккиланисиз!) — унинг қизига уйланоқчилигини, совчилар борса, райини қайтармаслигини уқтиради! Бунга қаранг, ота ҳам шунини қутиб турган эканми, ҳеч иккиланмасдан беш ташлайди. Бу Аширга яна уч-тўрт ром ва бироз шифер ҳам олиб келишини тайинлайди. Мана сизга фильм учун ўйлаб топилган "деталь"! Лекин бизни бир савол ўйлантирмади: қачондан бери ўзбекларда ошиқ йигит қиз қўлини отасидан сўрайдиган бўлди? Ёки ота-оналаримиз ўз жигарлари тақдирини қўчаларида арзиматан матоҳга алмашадиган бўлишди-ми? Қишлоқда нафақат қизнинг ота-онасига юрак ёриши, балки суйганининг ўриши ҳам дил изхори қилиш унчалик ҳаётий эмас.

Қишлоқ ҳаёти, у ерда яшайдиган одамларнинг турмуш тарзини экранга

олиб чиқиш учун режиссёрдан, албатта, катта маҳорат талаб этилади. У аввало ахлоқини, шарт-шароитини ўрганиши керак. Керак бўлса, турли "деталь" тўплаши лозим. Акс ҳолда яхши кинони суратга олиб бўлмайди. Бу фикрларни Зебо Наврўзова томонидан суратга олинган "Шаҳарлик олифта" фильмига нисбатан ҳам айтиш мумкин.

Яна бир нарсани таъкидлаш лозим. Ушбу фильм давомида тўртта оилада кечаётган воқеалар суратга олинган бўлса, шундан учта уй бекаси худди қар одамга бақиргандай баланд овозда гапирди. Балки Зебо Наврўзова бу билан аёллар характериини ҳам очиб беришга уринган-дир, ammo бу унчалик табиий чиқмаган. Фильм бошидан-охиригача шовқин-сурондан иборат бўлиб қолган.

Азим БАХОДИР

## ЯНГИ НАШР

### Ҳамма учун зарур лугат



"Патронаж" деган сўзни матбуотда кўп учратамиз. Лекин у қандай маънони англатишини ҳамма ҳам билвермайди. Бу сўз тиббий ерданга муҳтож касалларга уйига бориб қараб туриш ва тегишли ердан кўрсатиш маъносини англатади.

Бошингиздан жараҳат олдингизу кўп нарсаларни унутиб қўя бошладингиз. Албатта, бундай пайтда касалхонага бориб врачга учрашасиз. Доктор сизни яхшилаб текшириб қўриб, касаллик варақангизга "Амнезия" деб ташхис қўяди. Ташхисни ўқийсиз-у, бу қанақа касаллик экан, деб, бузилгани, илгари бўлиб ўтган ҳодисаларни эсидан чиқариш, деган маънони билдиради.

Биз юқоридаги сўзларнинг мазмунини яқинда чоп этилган "Тиббий терминлар энциклопедик лугати"дан олдик. Икки томлик ушбу лугатдан ҳозирги замон тиббиётида қўлланиладиган 20 мингдан ортиқ асосий терминлар ва тушунчалар ўрин олган.

Тиббиёт бўйича ўқув қуроллари, дарсликлар яратиш, тиббий муассасалар, касалхона, поликлиникалар ва диспансерларда давлат тилида иш юритувчиларга ёрдам бериш мақсадида 1996 йили Ё.Турақулов, А.Усмонходжаев, У.Орипов ва бошқалар томонидан «Тиббий терминлар изоҳли лугати» яратилган. Лекин у кирилли алифбосида ва унчалик катта ҳажмда эмас эди.

Муастакиллик йилларида Ўртбосимиз раҳбарлигида бошқа соҳаларда бўлгани каби республикамизда тиббиёт фани ва амалиётида улкан ўзгаришлар содир бўлди. Аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш ва профилактика тадбирларини олиб боришда замонвий йўналишлар, тиббиёт фанининг даволаш ва диагностика соҳасида янги усуллар ва дори-дармонлар яратилди.

Бундан ташқари, "Тиббий терминлар энциклопедик лугати"нинг яратилишини шу йўлда ташланган яна бир муҳим қадам дейиш мумкин. Лугатда ҳамма касалликларнинг номлари, даволаш, диагностика, эпидемиология, тиббий психология, ҳамширалик ишига оид барча асосий тиббий терминларга кирилли ва лотин ёзувида асосланган ўзбек алифбосида изоҳлар берилган. Мазкур лугатни А.Усмонходжаев, Э.Баситхонова, П.Назирова, М.Турақуловадан иборат муаллифлар гуруҳи яратган. Китобнинг биринчи томи салкам 80 босма тободдан, иккинчи томи эса 71 босма тободдан иборат. "Тиббий терминлар изоҳли лугати" 1000 нусхада чоп этилган. Лугатнинг кирishi қисмида ушбу китоб умумий амалиёт врачлари, фармацевтлар, тиббиёт муассасалари ходимлари, таржимонлар, тиббиёт олий ўқув юртлири талабалари ва коллежалар ўқувчилари учун қўлланма экани таъкидланган. Аслида эса бу лугат ҳар бир хондонда бўлиши керак. Чунки юқорида айтиганимиздек, ҳамма ҳам тиббий терминларнинг маъносини тушунавермайди.

Унда КАРИМОВА

# ДУНЁДА НИМА ГАП?

## ТИББИЁТ

### СОҒЛОМ МИЛЛАТ – СОҒЛОМ ФАРЗАНД

Соғлиқ — одамнинг jismoniy, ruhiy va ijtimoiy barqamolligi, davlat, jamiyat va шахsning хайтий муҳим мақсадлари амалга оширишнинг асосий манбаи ҳисобланади. Одам биологик (ирсий) жиҳатдан соғлом яшаш эҳтиёжи билан туғилади. Унда ўз соғлигини муҳофаза қилиш, умрини узайтириш, бўлажак фарзандларининг соғлом дунёга келишини таъминлаш ҳақидаги истак ҳаётда атрофдан қабул қилинган ахборотлар, шунингдек, ўқини, узлуксиз малака ошириш натижасида шаклланади.

Япония ва бошқа ривожланган мамлакатларда инсон саломатлиги ишлаб чиқариш унумдорлигини оширувчи ва иқтисодийни юксалтирувчи муҳим омил сифатида баҳоланади.

Жаҳон соғлиқни сақлаш тақдирининг маълумотларига кўра, ҳар қайси мамлакат аҳолисининг соғлиғи асосан 2 та сифат кўрсаткичи билан баҳоланади:

— биринчиси — аҳолининг ўртача умр кўриши 75 ёшдан кам бўлмаслиги (қанча кўп бўлса, шунча яхши ҳисобланади);

— иккинчиси — ҳар минг нафар янги туғилган чақалоқлардан бир ёшга етмай ҳаётдан кўз юмганларнинг сони 15 тадан ошмаслиги керак (қанча кам бўлса, шунча яхши).

Мазкур сифат кўрсаткичлари ҳар қайси мамлакат маънавий-маданий, иқтисодий-ижтимоий жиҳатдан қай даражада ривожланганини, аҳолининг соғлом турмуш тарзи қоидаларига қанчалик яхши амал қилишини белгилайди.

Собиқ иттифок даврида барча соҳаларда бўлганидек, инсон соғлигини муҳофаза қилиш масаласида ҳам жиддий камчиликлар мавжуд эди. Жумладан, 1990 йилда соғлиқнинг биринчи сифат кўрсаткичи ҳисобланган аҳолининг ўртача умр кўриши бўйича иттифок жаҳонда 32-ўринда бўлиб, бу кўрсаткич бор-йўғи 69 ёшни ташкил этган. Ўзбекистон иттифок таркибидagi 15 та республика орасида 67 ёш кўрсаткичи билан Қирғизистон, Тожикистон, Туркманистондан юқорида — 12-ўринда турган, холос. Ваҳоланки, худди шу даврда Австралия, Канада, Франция каби мамлакатларда аҳолининг ўртача умр кўриши 75 ёш, Япония, Норвегияда эса 77 ёш бўлган. Демак, мустабилик даврида Ўзбекистон халқи иттифокдош республикалар аҳолисининг ўртача умр кўришига нисбатан 2 йил, ривожланган мамлакатлар аҳолисига нисбатан эса 8-10 йил кам умр кўрган. Соғлиқнинг иккинчи сифат кўрсаткичи ҳисобланган

болалар ўлими бўйича иттифок жаҳонда 50-ўринни эгаллаган.

Президентимиз ҳам Олий Мажлис минбаридан яқин тарихимизда бошимиздан кечирган салбий воқеалар, миллатимизнинг қадр-қиммати, шаъни поймол қилинганни ҳақида дардли фикрлар билдириб:

— "... ўзингиз ўйлаб кўринглар, азиз дўстлар, мустабид тузум, собиқ иттифок ҳукм сурган даврда биз ким эдик? Тақдиримиз, эркимиз кимларнинг қўлида эди? Қаъба деб қаерга сиғинар эдик?" дея саволларни бежиз ўртага ташламаган эди.

Шу боисдан ҳам юртимиз мустақилликка эришганининг дастлабки йилларидан бошлаб давлатимиз раҳбари раҳномалигида инсон соғлиғи, она-бола ва ёшлар соғлиғи масаласи давлат сиёсати даражасига кўтарилди, инсон саломатлигини муҳофаза қилиш ва ўртача умр кўришининг узайиши бўйича ҳам ижобий натижаларга эришилди.

Президентимизнинг Фармони асосида 1993 йилда "Соғлом авлод учун" нодавлат халқаро хайрия жамғармаси ташкил этилди, "Соғлом авлод учун" 1- ва 2-даражали орден таъсис этилди. Бу мустақил Ўзбекистоннинг биринчи ордени ҳисобланади. Шундан сўнг бирин-кетин "Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг соғлиғини сақлаш тўғрисида"ги Қонун, "Еш авлодни соғломлаштириш муаммоларини мажмуали ҳал этишнинг кенгайтирилган дастури", "Ўзбекистон Республикаси одамни сақлаш тизимини ислоҳ қилишнинг Давлат дастури", "Соғлом авлод", "Она ва бола", "Сихат-саломатлик йили", "Ёшлар йили" Давлат дастурлари, "2008-2012 йилларда ногирон болалар туғилишининг олдини олиш учун турмуш ва ирсий касалликларни барвақт аниқлаш" Давлат дастури қабул қилинди. "Она ва бола" скрининг марказлари ташкил этилди. Болалар спортини ри-

вожлантириш жамғармаси тузилди. Шунингдек, камқонлик касаллигининг олдини олишда муҳим аҳамиятга эга бўлган "Урни фортификация" қилаётган 48 та давлатлар қаторига қиради. Ҳукуматимиз томонидан 2007 йил 3 майда қабул қилинган "Йод танқислиги касалликларининг олдини олиш тўғрисида"ги қонунга биноан мамлакатимизда ош тузи йодлаштирилган ҳолда истеъмолга чиқарилмоқда.

Ҳукуматимиз томонидан амалга оширилаётган оламшумул ишлар натижасида юртимиз мустақиллигининг тарихан қисқа даврида инсон соғлиғи, она-бола ва ёшлар соғлиғи сифат кўрсаткичларида мисли кўрилмаган ижобий ўзгаришларга эришилди. Жумладан:

— аҳолининг ўртача умр кўриши 67 ёшдан 72,5 ёшгача узайди;

— оналар ўлими 1991 йилда ҳар юз минг нафар аёлга 65 тани ташкил этган бўлса, 24 тагача, яъни 2,5 баравар камайди;

— болалар ўлими 1991 йилда ҳар минг нафар янги туғилган чақалоққа 35 та тўғри келган бўлса, 14 тагача (2,5 баравар) камайди.

Ғурур ва ифтихор билан эътироф этиш лозимки, Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти томонидан шартли равишда белгиланган соғлиқнинг биринчи сифат кўрсаткичи — аҳолининг ўртача умр кўришини узайтириш бўйича ҳам, иккинчи сифат кўрсаткичи ҳисобланган болалар ўлимининг камайиши бўйича ҳам юртимиз жаҳоннинг энг юқори даражада ривожланган мамлакатларига тенглашди. Мустақиллик шарофати билан инсон соғлиғи, она-бола ва ёшлар соғлиғи борасида қисқа даврда эришилган оламшумул ютуқларни мамлакатимизда одамлар саломатлигини муҳофаза қилиш, шунингдек, турмуш шароитини яхшилашга қаратилган чора-тадбирларнинг натижаси сифатида баҳоланган бўлади.

— болалар ўлими 1991 йилда ҳар минг нафар янги туғилган чақалоққа 35 та тўғри келган бўлса, 14 тагача (2,5 баравар) камайди.

Ғурур ва ифтихор билан эътироф этиш лозимки, Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти томонидан шартли равишда белгиланган соғлиқнинг биринчи сифат кўрсаткичи — аҳолининг ўртача умр кўришини узайтириш бўйича ҳам, иккинчи сифат кўрсаткичи ҳисобланган болалар ўлимининг камайиши бўйича ҳам юртимиз жаҳоннинг энг юқори даражада ривожланган мамлакатларига тенглашди. Мустақиллик шарофати билан инсон соғлиғи, она-бола ва ёшлар соғлиғи борасида қисқа даврда эришилган оламшумул ютуқларни мамлакатимизда одамлар саломатлигини муҳофаза қилиш, шунингдек, турмуш шароитини яхшилашга қаратилган чора-тадбирларнинг натижаси сифатида баҳоланган бўлади.

— оналар ўлими 1991 йилда ҳар юз минг нафар аёлга 65 тани ташкил этган бўлса, 24 тагача, яъни 2,5 баравар камайди;

— болалар ўлими 1991 йилда ҳар минг нафар янги туғилган чақалоққа 35 та тўғри келган бўлса, 14 тагача (2,5 баравар) камайди.

Ғурур ва ифтихор билан эътироф этиш лозимки, Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти томонидан шартли равишда белгиланган соғлиқнинг биринчи сифат кўрсаткичи — аҳолининг ўртача умр кўришини узайтириш бўйича ҳам, иккинчи сифат кўрсаткичи ҳисобланган болалар ўлимининг камайиши бўйича ҳам юртимиз жаҳоннинг энг юқори даражада ривожланган мамлакатларига тенглашди. Мустақиллик шарофати билан инсон соғлиғи, она-бола ва ёшлар соғлиғи борасида қисқа даврда эришилган оламшумул ютуқларни мамлакатимизда одамлар саломатлигини муҳофаза қилиш, шунингдек, турмуш шароитини яхшилашга қаратилган чора-тадбирларнинг натижаси сифатида баҳоланган бўлади.

— оналар ўлими 1991 йилда ҳар юз минг нафар аёлга 65 тани ташкил этган бўлса, 24 тагача, яъни 2,5 баравар камайди;

— болалар ўлими 1991 йилда ҳар минг нафар янги туғилган чақалоққа 35 та тўғри келган бўлса, 14 тагача (2,5 баравар) камайди.

Ғурур ва ифтихор билан эътироф этиш лозимки, Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти томонидан шартли равишда белгиланган соғлиқнинг биринчи сифат кўрсаткичи — аҳолининг ўртача умр кўришини узайтириш бўйича ҳам, иккинчи сифат кўрсаткичи ҳисобланган болалар ўлимининг камайиши бўйича ҳам юртимиз жаҳоннинг энг юқори даражада ривожланган мамлакатларига тенглашди. Мустақиллик шарофати билан инсон соғлиғи, она-бола ва ёшлар соғлиғи борасида қисқа даврда эришилган оламшумул ютуқларни мамлакатимизда одамлар саломатлигини муҳофаза қилиш, шунингдек, турмуш шароитини яхшилашга қаратилган чора-тадбирларнинг натижаси сифатида баҳоланган бўлади.

— оналар ўлими 1991 йилда ҳар юз минг нафар аёлга 65 тани ташкил этган бўлса, 24 тагача, яъни 2,5 баравар камайди;

— болалар ўлими 1991 йилда ҳар минг нафар янги туғилган чақалоққа 35 та тўғри келган бўлса, 14 тагача (2,5 баравар) камайди.

Ғурур ва ифтихор билан эътироф этиш лозимки, Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти томонидан шартли равишда белгиланган соғлиқнинг биринчи сифат кўрсаткичи — аҳолининг ўртача умр кўришини узайтириш бўйича ҳам, иккинчи сифат кўрсаткичи ҳисобланган болалар ўлимининг камайиши бўйича ҳам юртимиз жаҳоннинг энг юқори даражада ривожланган мамлакатларига тенглашди. Мустақиллик шарофати билан инсон соғлиғи, она-бола ва ёшлар соғлиғи борасида қисқа даврда эришилган оламшумул ютуқларни мамлакатимизда одамлар саломатлигини муҳофаза қилиш, шунингдек, турмуш шароитини яхшилашга қаратилган чора-тадбирларнинг натижаси сифатида баҳоланган бўлади.

— оналар ўлими 1991 йилда ҳар юз минг нафар аёлга 65 тани ташкил этган бўлса, 24 тагача, яъни 2,5 баравар камайди;

— болалар ўлими 1991 йилда ҳар минг нафар янги туғилган чақалоққа 35 та тўғри келган бўлса, 14 тагача (2,5 баравар) камайди.

Ғурур ва ифтихор билан эътироф этиш лозимки, Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти томонидан шартли равишда белгиланган соғлиқнинг биринчи сифат кўрсаткичи — аҳолининг ўртача умр кўришини узайтириш бўйича ҳам, иккинчи сифат кўрсаткичи ҳисобланган болалар ўлимининг камайиши бўйича ҳам юртимиз жаҳоннинг энг юқори даражада ривожланган мамлакатларига тенглашди. Мустақиллик шарофати билан инсон соғлиғи, она-бола ва ёшлар соғлиғи борасида қисқа даврда эришилган оламшумул ютуқларни мамлакатимизда одамлар саломатлигини муҳофаза қилиш, шунингдек, турмуш шароитини яхшилашга қаратилган чора-тадбирларнинг натижаси сифатида баҳоланган бўлади.

— оналар ўлими 1991 йилда ҳар юз минг нафар аёлга 65 тани ташкил этган бўлса, 24 тагача, яъни 2,5 баравар камайди;

— болалар ўлими 1991 йилда ҳар минг нафар янги туғилган чақалоққа 35 та тўғри келган бўлса, 14 тагача (2,5 баравар) камайди.

Ғурур ва ифтихор билан эътироф этиш лозимки, Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти томонидан шартли равишда белгиланган соғлиқнинг биринчи сифат кўрсаткичи — аҳолининг ўртача умр кўришини узайтириш бўйича ҳам, иккинчи сифат кўрсаткичи ҳисобланган болалар ўлимининг камайиши бўйича ҳам юртимиз жаҳоннинг энг юқори даражада ривожланган мамлакатларига тенглашди. Мустақиллик шарофати билан инсон соғлиғи, она-бола ва ёшлар соғлиғи борасида қисқа даврда эришилган оламшумул ютуқларни мамлакатимизда одамлар саломатлигини муҳофаза қилиш, шунингдек, турмуш шароитини яхшилашга қаратилган чора-тадбирларнинг натижаси сифатида баҳоланган бўлади.

— оналар ўлими 1991 йилда ҳар юз минг нафар аёлга 65 тани ташкил этган бўлса, 24 тагача, яъни 2,5 баравар камайди;

— болалар ўлими 1991 йилда ҳар минг нафар янги туғилган чақалоққа 35 та тўғри келган бўлса, 14 тагача (2,5 баравар) камайди.

Ғурур ва ифтихор билан эътироф этиш лозимки, Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти томонидан шартли равишда белгиланган соғлиқнинг биринчи сифат кўрсаткичи — аҳолининг ўртача умр кўришини узайтириш бўйича ҳам, иккинчи сифат кўрсаткичи ҳисобланган болалар ўлимининг камайиши бўйича ҳам юртимиз жаҳоннинг энг юқори даражада ривожланган мамлакатларига тенглашди. Мустақиллик шарофати билан инсон соғлиғи, она-бола ва ёшлар соғлиғи борасида қисқа даврда эришилган оламшумул ютуқларни мамлакатимизда одамлар саломатлигини муҳофаза қилиш, шунингдек, турмуш шароитини яхшилашга қаратилган чора-тадбирларнинг натижаси сифатида баҳоланган бўлади.

— оналар ўлими 1991 йилда ҳар юз минг нафар аёлга 65 тани ташкил этган бўлса, 24 тагача, яъни 2,5 баравар камайди;

— болалар ўлими 1991 йилда ҳар минг нафар янги туғилган чақалоққа 35 та тўғри келган бўлса, 14 тагача (2,5 баравар) камайди.

Ғурур ва ифтихор билан эътироф этиш лозимки, Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти томонидан шартли равишда белгиланган соғлиқнинг биринчи сифат кўрсаткичи — аҳолининг ўртача умр кўришини узайтириш бўйича ҳам, иккинчи сифат кўрсаткичи ҳисобланган болалар ўлимининг камайиши бўйича ҳам юртимиз жаҳоннинг энг юқори даражада ривожланган мамлакатларига тенглашди. Мустақиллик шарофати билан инсон соғлиғи, она-бола ва ёшлар соғлиғи борасида қисқа даврда эришилган оламшумул ютуқларни мамлакатимизда одамлар саломатлигини муҳофаза қилиш, шунингдек, турмуш шароитини яхшилашга қаратилган чора-тадбирларнинг натижаси сифатида баҳоланган бўлади.

— оналар ўлими 1991 йилда ҳар юз минг нафар аёлга 65 тани ташкил этган бўлса, 24 тагача, яъни 2,5 баравар камайди;

— болалар ўлими 1991 йилда ҳар минг нафар янги туғилган чақалоққа 35 та тўғри келган бўлса, 14 тагача (2,5 баравар) камайди.

Ғурур ва ифтихор билан эътироф этиш лозимки, Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти томонидан шартли равишда белгиланган соғлиқнинг биринчи сифат кўрсаткичи — аҳолининг ўртача умр кўришини узайтириш бўйича ҳам, иккинчи сифат кўрсаткичи ҳисобланган болалар ўлимининг камайиши бўйича ҳам юртимиз жаҳоннинг энг юқори даражада ривожланган мамлакатларига тенглашди. Мустақиллик шарофати билан инсон соғлиғи, она-бола ва ёшлар соғлиғи борасида қисқа даврда эришилган оламшумул ютуқларни мамлакатимизда одамлар саломатлигини муҳофаза қилиш, шунингдек, турмуш шароитини яхшилашга қаратилган чора-тадбирларнинг натижаси сифатида баҳоланган бўлади.

### Токиода кучли zilzila

Ўтган куни эрталаб Япония пойтахтининг 30 миллионлик аҳолиси кўрқувдан уйғонди. Гап шундаки, бу ерда 6,6 балли zilzila содир бўлди. Дастлабки маълумотларга қараганда, цунами хавфи бўлгани учун океан ва денгизлар киргюклариди яшовчи аҳолига тезлик билан мамлакат ичкарига кўчиш тавсия этилди. Аммо цунами кутилганидан кучсиз бўлди.

Зилзила туфайли пойтахт яқинидаги "Хамаока" АЭСи, шунингдек, бир неча шахарлар ўртасида қатновчи теъзорар электропоездлар қатнови ҳам вақтинча тўхтатилди. Япония вазирилар маҳкамасида вазиятни ўрганиш ва ахборот йиғиш бўйича махсус комиссия тузилди. Зилзила маркази Токиодан 150 километр жанубда, Суруга кўрғазиди 20 километр чуқурликда жойлашган. Кўрғаз «Этау» буронидан ҳам жиддий зарар кўрган.

Бир кун олдин мамлакатда 6,9 балли zilzila бўлган эди. Ер қимирлаши 47 япон префектурасининг 37 тасида, деярли мамлакатнинг бутун ҳудудиди сезилди.

### Сайлов арафасидаги жонланиш



Яна 8 кундан сўнг Афғонистонда президент сайловлари бўлиб ўтади. Сайлов санаси яқинлашган сайин террорчилар ҳам жонланиб қолиши. Улар кеча Лоҳар провинцияси маркази Пулиалам шаҳридаги ҳукумат ва полиция биноларини гранатомёт ва автоматлардан ўққа тутди.

"Толибон" гуруҳи вақилининг таъкидлашича, ҳужум туфайли 21 нафар одам нобуд бўлган. Ғарб матбуоти бу хабарни рад этди. Уларнинг таъкидлашича, толиблар доимо ҳақиқатдан йироқ ахборотларни таркатади.

### Шундай бўлса-да, Афғонистондаги коалицион кучлар

қўмондон, генерал Стэнли Маккрисстал сўнги пайтларда толиблар аниқ фаолашиб қолганини тан олди.

### Испания бош тортиди



Испания ҳукумати ЮКОСга қаршилик компаниялардан бирининг собиқ раҳбари Антонио Валдес-Гарсиани Россияга беришдан бош тортиди. Бундан сал олдинроқ Россия бош прокуратураси Испания ҳукуматига шундай талаб билан мурожаат қилган эди.

ОАВ хабарларига қараганда, Испания ҳукумати Валдесга нисбатан Россия ҳукуку-тартибот идоралари ходимлари шафқатсизларча муносабатда бўлишидан хавотирланган.

Эсплатиё ўтаимиз, Валдес аввалроқ ЮКОС иши бўйича хибсага олинган ва кейин қочиб кетганди. Шундан буён у қидирувда эди.

Валдеснинг таъкидлашича, россиялик терговчилар ундан Ходарковскийга қарши кўрсатмалар беришни талаб қилмоқда.

### Суйқасд уюштирмақчи эди



Миср хавфсизлик хизмати ходимлари Исроил элчисига суйқасд қилишни режалаштирган гуруҳнинг қўлга тушириди. "Ал-Қоида" террорчилик гуруҳининг бугини бўлган "Аз-Зайтун" аъзолари суроқ пайтида ҳақиқатан ҳам Исроилнинг Миср Араб Республикасидаги элчиси Шалом Козини

### Ўлдирмоқчи бўлишганини тан олиши

"Аз-Зайтун"чилар, шунингдек, Мисрнинг Дамьетта ҳамда Исроилнинг Ашкелон шахарлари ўртасидаги газ қувурини, Синай оролидаги сайёҳлик мажмуаларини, ислом ва христиан дини билан боғлиқ муқаддас жойларини портлатишни ҳам режалаштирган экан.

### Элчиюна олдида портлаш

Мавритания пойтахти Нуакшотдаги Франция элчихонаси биноси олдида террорчи ўзини портлатиб юборди. Натижада элчихона хавфсизлик хизмати ходимларидан икки нафари жароҳат олди. Шунингдек, элчихона яқинидан ўтиб кетаётган аёл ҳам тан жароҳати олиб касалхонага ётқизилди.

Мавритания ҳукумати вакилларининг таъкидлашича, мамлакатда террорчининг ўзини ўзи портлатиш ҳолати илгари учрамаган. Уларнинг айтишича, бу хунрезликда кейинги йилларда мамлакатда ўрнашиб олган "Ал-Қоида" гуруҳи аъзолари амалга оширган. Ушбу гуруҳ томонидан 2007 йилнинг декабрида ҳам тўрт нафар французлик сайёҳ ўлдирилган эди.

### Кироличани тунаб кетиши

Италиянинг Сардиния оролидаги машҳур курортлардан бирида Саудия Арабистони кироличаларидан бирининг 16 миллион долларлик (11 миллион евродан кўпроқ) қимматбахо тақинчоқлари ва пули ўғирлаб кетилган. Ўғирлар тушлик пайтида Porto Cervo меҳмонхонасининг киролича яшаётган хонасига кириб, қимматбахо тақинчоқлар ва пул сақланаётган сейфини олиб чиқиб кетган.

Ушбу ўғирлик халқаро жанжални келтириб чиқари-



### ДАРАКЛАР

ши мумкин. Оролга Саудия Арабистони элчихонаси вакиллари ҳам жалб этилди. У ҳозирда Италия дипломатлар билан вазиятни муҳокама қилмоқда. Қидирув ишларига Италиянинг махсус хизмати вакиллари ҳам жалб этилди.

ОАВ хабарларига қараганда, оролда бундай ўғирликлар тез-тез бўлиб туради. Сал олдинроқ юқоридаги «сценарий» асосида марокашлик бизнесмен ва Германиядаги компаниялардан бирининг раҳбари ҳам тунаб кетилган.

### Паром ағдарилиб кетди



Конго мамлакатининг жанубий қисмидаги оролдан иккинчи оролга бораётган "Киролича Ашика" паромий йўлда ағдарилиб кетди. Паромда 49 нафар йўловчи ва 30 нафар экипаж аъзолари, жами 79 нафар одам бор эди. Уларнинг 29 нафари қўқариб олинди. Қолган 50 нафар йўловчининг тақдирини ҳозирча номаълум.

ИТАР-ТАСС мухбирининг хабарига айтилишича, қўқиб кетганлар орасида кўплаб болалар ва аёллар бор. Хозирда денгизчилар 80 километр радиусда қидирув-кутқарув ишларини олиб боришмоқда. Улар ҳали тирик одамларни топиш мумкин, дейишмоқда. Чунки сувнинг ҳарорати 25 даража илқ, денгизда эса тўлқин йўқ.

ИТАР-ТАСС мухбирининг хабарига айтилишича, қўқиб кетганлар орасида кўплаб болалар ва аёллар бор. Хозирда денгизчилар 80 километр радиусда қидирув-кутқарув ишларини олиб боришмоқда. Улар ҳали тирик одамларни топиш мумкин, дейишмоқда. Чунки сувнинг ҳарорати 25 даража илқ, денгизда эса тўлқин йўқ.

ИТАР-ТАСС мухбирининг хабарига айтилишича, қўқиб кетганлар орасида кўплаб болалар ва аёллар бор. Хозирда денгизчилар 80 километр радиусда қидирув-кутқарув ишларини олиб боришмоқда. Улар ҳали тирик одамларни топиш мумкин, дейишмоқда. Чунки сувнинг ҳарорати 25 даража илқ, денгизда эса тўлқин йўқ.

### Дарёга қулаб тушиди

Покистоннинг шимолидаги Скарда шаҳри яқинида йўловчи автобус Инд дарёсига тушиб кетди. Натижада 35 йўловчи ҳалок бўлди. Йўловчиларнинг кўчилиги Индбоҳ провинцияси аҳолиси эди. Автобус Скардадан Равалпиндига бораётганди. Хабарларда айтилишича, ҳалоката автобуснинг катта тезликдаги ҳаракати ва тормозининг ишламай қолгани сабаб бўлган. Ҳалокат сабаблари махсус комиссия томонидан ўрганилмоқда.

**TURON BANK**

предлагает **международные пластиковые карты**

**VISA**

**Visa Electron**

**Visa Classic**

## Коллежда иш қизғин

Андижон тиббиёт коллежи вилоятдаги намунали таълим муассасаларидан бири ҳисобланади. Ушбу масканда асосан бешта мутахассислик бўйича тиббиёт ҳамширалари тайёрланади.

Мазкур даргоҳда малакали мутахассислар тайёрлаш ва вилоят соғлиқни сақлаш тизимининг етук ўрта тиббий ходимларга бўлган эҳтиёжини қондириш учун ўқув ишлари қатъий режа асосида юритилади. Машғулотлар икки сменада ташкил этилган. Коллежда умумтаълим, фармацевтика иши бўлими, ҳарбий таълим кафедраси ва клиникагача бўлган амалиёт хоналари фаолият олиб боради. Шунингдек, бу ерда 350 ўринли фаоллар зали, 400 ўринли ошхона, спорт зали, 172 ўринли ётоқхона ҳам ўқувчилар ихтиёрида.



июлдаги "Ёшларнинг умумий ўрта, ўрта махсус, касб-хунар таълими ва олий таълим тизими билан қамраб олинишини, шунингдек, кейинчалик уларнинг ишга жойлашини ҳисобга олиш ва ҳисоботни юритишни тақомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори ва бошқа қатор меъёрий ҳужжатлар ижросини амалга ошириш мақсадида кўпгина иж-


ўртасида уч томонлама шартнома имзоланган. Айтилганда 6 нафар номзоди, 73 нафар катта ўқитувчи, 121 нафар мутахассис ўқитувчи фаолият олиб бораёпти. Шунингдек, улар орасида 6 нафар ўқитувчи илмий тадқиқот ишлари билан банд.

Билим юртида тахсил олаётган кам таъминланган оилалар фарзандларини моддий ва маънавий қўллаб-қувватлаш ҳам яхши йўлга қўйилган. Шунингдек, коллеж маъмурияти маҳалла фуқаролар йиғинлари худудида истиқомат қилувчи кам таъминланган оилаларга, шаҳардаги Меҳрибонлик уйи болаларига хайр-саховат кўрсатишда ўз ҳиссасини қўшиб келмоқда.

Хусусан, жорий йил Наврўз байрами арафасида коллеж маънавият кенгаши томонидан "Болаларнинг бегонаси бўлмади" мавзусидаги хайрия тадбирининг ўтказилиши педагогик жамоанинг ҳамisha фаол эканини яна бир бор исботлади десак, муболага бўлмайди. Бундан ташқари кўп йиллар давомида коллежда ишлаб, нафақага чиққан ўқитувчилар ҳолидан хабар олиш, уларга моддий ва маънавий ёрдам кўрсатиш ҳам одатий ишга айланган.

Ўқувчилар турар жойи иккита корпусга ажратилган бўлиб, биринчиси 172 ўринли ётоқхона ҳисобланади. У ерда санитария-

гиена хоналари, ўқув зали, кутубхона каби ўқувчиларнинг бўш вақтлари-



ни мазмунли ўтказиши учун зарур бўлган барча шарт-шароитлар мавжуд. Ўқув маскани ахборот ресурс марказининг умумий китоб фонди 4187 тани ташкил этади. Электрон дарсликлар, илмий-оммабоп, бадиий адабиётлардан иборат мазкур кутубхона доимо ёшлар билан гавжум.

— Ўқувчилар муайян бир касбга йўналтирилиш билан бирга энг замонавий ўқув технологияларига асосланиб ишлаш, айрим фанлардан чуқур билим олишга ҳам муваффақ бўлмоқда, — дейди коллеж директорининг маънавий-маърифий ишлари бўйича ўринбосари Муборахон Умрзоқова. — Бундан ташқари шаҳар, вилоятдаги беллашувларда доим фаол қатнашиб келамиз. Биргина мисол. Ўтган йили 309-гурӯх та-

лабаси Муножат Ашурова ўзи ясаган турли ўйинчоқлари билан "Келажак овози" республика кўрик-танловида иштирок этиб, совриндор бўлиб қайтди. "Биз — бир жамоамиз" акциясида қатнашган коллежимиз жамоаси республика миқёсидаги тадбирларга йўлланма олди. Бундан ташқари Тошкент

## Юксак маънавиятли ёшлар — Ватан таянчи

Ўзбекистон мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди, "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати, "Келажак овози" ёшлар ташаббуслари маркази билан ҳамкорликда мамлакатимиз Президентининг миллий ўзликини аниқлаш, бебаҳо маънавий меросимизни асраб-авайлаш ва халқимизга етказиш борасида ОАВ ходимлари олдидан турган вазифалар, шунингдек Ёзувчилар уюшмаси фаолиятининг самарадорлигини ошириш ҳақидаги фикр-мулоҳазаларидан келиб чиққан ҳолда республикамиз бўйлаб "Юксак маънавиятли ёшлар — Ватан таянчи" мавзусида туркум давра суҳбатларини ташкил этди.

Қорақалпоғистон Республикаси, Фарғона, Сурхондарё, Самарқанд, Сирдарё, Навоий вилоятларида ўтказилган бу тадбирларда баркамол ёшлар тарбияси, уларнинг жамиятдаги фаоллигини ошириш, замонавий билим кўникмалари, маънавий дунёқарабини кенгайтириш билан боғлиқ масалалар муҳокама этилди.

Давра суҳбатларида Ёзувчилар уюшмаси, Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмасининг худудий бўлиmlари фаоллари иштирок этиб, ёшларга маънавиятни юксалтириш омиллари, хусусан халқ маънавиятининг кўзгуви бўлиши бадиий ижод намуналари, адабиётимиз хазинасидан ўрин олган жавоҳир асарларнинг инсон комиллигидаги ўрни, мутлола маданияти ҳақида сўзлаб бердилар.

— Тадбир кўнгилдаги гапларни очик айтиш ва фикр алмашиш борасида биз учун айтиш мудида бўлди, — дейди Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг Қорақалпоғистон Республикаси бўлими раиси Ўразбой Абдурахмонов. — Суҳбатда кўтарилган мавзулар биз ижодкорлар ёшларга кўпроқ эътибор қаратишимиз, улар билан тез-тез учрашиб туришимиз кераклигини яна бир бор намоён этди. Айтишга, ёшларимиз орасида кенг дунёқараш ва мустақил фикрга эга йигит-қизларимизни, миллий матбуотимиз ва адабиётимизнинг муносиб ворисларини кўриб жуда хурсанд бўлдим.

Давра суҳбатлари якунида иштирокчилар томонидан беvosита тадбир мобайнида билдирилган таклиф-мулоҳазалар асосида муҳокама этилган масалалар самарадорлигини оширишга қаратилган тавсиялар ишлаб чиқилди.

**М. Йўлдошева,**  
Ўзбекистон мустақил босма ОАВ ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди лойиҳа раҳбари.

Коллежнинг тўртта информатика хонаси бўлиб, улар интернет тармоғига уланган. Ҳар бир хонада 15 тадан компьютер мавжуд. Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг ўрта махсус касб-хунар таълими маркази ва вилоят ҳокимлигининг ёрдами туфайли амалий машғулотларнинг юқори савияда ўтказилиши ташкил этилган.



бий ишлар амалга оширилган.

— Ҳозир таълимга оид қабул қилинган ҳужжатлар ижросини таъминлаш, битирувчиларни ишга жойлаштириш мо-

бошликларни киритилган. Ўтган йили билим юртини 848 нафар ўқувчи таъминлади. Уларнинг 93-95 фоизи ишга жойлаштирилди. Коллеж билан ўқувчи ва иш берувчи

Билим юртида ўқув ҳамда ташкилий ишлар яхши йўлга қўйилган. Шунингдек, Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йил 30

# МИЖОЗЛАР ЮТУҒИ, БИЗНИНГ МУВАФФАҚИЯТИМИЗ



**Президентимиз томонидан истиқлолнинг дастлабки кунлариданоқ изчил амалга оширилаётган иқтисодий ислохотлар ўзининг ижобий натижаларини бермоқда. Бу ишларнинг дунё ҳамжамияти томонидан юқори баҳоланаётгани, халқаро йирик молиявий ташкилотларнинг мамлакатимиздаги ижобий ўзгаришларга катта қизиқиш билан қараётгани ҳам бежиз эмас. Иқтисодийнинг жадал ривожланиш босқичи кўтарилгани, маҳсулот ишлаб чиқариш ва уни хорижга экспорт қилишда хусусий сектор улушининг сезиларли даражада ошиб бораётгани, чет эллик сармоядорларга яратилган имкониятлар уларнинг юртимиз бозорига қизиқишини оширмоқда.**

Аввало шуни таъкидлаш жоизки, мамлакат ривожининг ҳеч бир жабҳасини молия муассасалари, хусусан, банкларнинг иштирокисиз тасаввур қилиш қийин. Банк миқозларнинг ишончли ҳамкорига айланган жойда янги-янги ютуқлар қўлга киритилиб, аҳолининг турмуш фаровонлиги ошиб боравериши шубҳасиз.

ДАТ "Асака" банки Бухоро шаҳар филиалининг жорий йил биринчи ярим йиллик фаолияти таҳлил қилинганда филиал жами активлари 4 млрд. 463 млн. 900 минг сўм бўлиб, шундан даромад келтирувчи активлар 4 млрд. 143 млн. 500 минг сўмни ташкил этади. Эътироф этиладиган яна бир жиҳати — 2006 йилни 10 миллион сўм зарар билан якунлаган мазкур молиявий муассаса 2008 йилни 22 миллион 500 минг сўм соф фойда билан ниҳоя-

лади. Бунда жамоадаги ҳар бир ходимнинг ўз вазифасига сикдидилдан ёндашгани алоҳида таъкидлаш ўринлидир. Масалан, ярим йиллик якунлари бўйича иқтисодий кўрсаткичларга назар ташласак, филиал томонидан юридик ва жисмоний шахсларга жами 2 млрд. 430 млн. 600 минг сўм кредит маблағлари ажратилган бўлиб, шундан 2 млрд. 153 млн. 900 минг сўм кичик бизнес субъектларига, 141 млн. сўм истеъмол кредитлари (шундан 65 млн. сўмни ёш оилаларга), 2 млн. 100 минг таълим кредити, 40 млн. 800 минг сўм ипотека кредити ҳисобланади. Давлатимиз раҳбарининг 2006 йил 23 мартдаги қарорига асосан кам таъминланган оилаларга 22 млн. 600 минг сўмлик микрокредитлар, галла етиштирувчи фермер хўжаликларига 14 млн. 700 минг

сўм, пахта етиштирувчи фермер хўжаликларига 20 млн. 500 минг сўмлик Молия вазирлиги жамғармаси ҳисобидан имтиёзли кредитлар ажратилгани ҳам фикримиз исботидир. Буни ўтган йилнинг шу даври билан таққослаганда кредитлар қолдиги 2 млрд. 332 млн. 300 минг сўмга, йил бошидан ҳисоблаганда эса 2 млрд. 62 млн. 600 минг сўмга ошган.

Молиявий муассаса ходимлари томонидан кредит-

дида 400 млн. сўм, "LOGO STYLE" МЧЖга савдо комплексини қуриб битказиши учун 700 млн. сўм, "ФОТО Компьютер" қўшма корхонасига миҳ ишлаб чиқариш ускуналари ва хомашё сотиб олиш учун 308 млн. сўм маблағлар ажратилган.

Бир сўз билан айтганда, филиал томонидан савдо дўкони қуриш ва таъмирлашга 1 млрд. 90 млн. 400 минг сўм, sanoatga 1 млрд. 10 млн. сўм, қишлоқ хўжалиги учун 35 млн. 200 минг



ларни расмийлаштириш жараёнида миқозларга бизнес режа тузиш, банк хизмати кулайликларидан самарали фойдаланиш, ҳисобкитоб ишларини тўғри ва қонуний амалга оширишга алоҳида эътибор берилмоқда. Боиси, миқозлар нечоғли тез даромад топса бу, аввало, банкнинг ютуғи ҳисобланади. Хусусан, йирик лойиҳа ҳисобланган "Ромитантекс" МЧЖга айланма маблағларни тўлдириш учун хомашё сотиб олиш мақса-

сўм, савдога 15 млн. қурилиш фаолияти учун 6 млн. сўм молиявий лизинг хизмати учун 32 млн. 500 минг, жами 2 млрд. 189 млн. 100 минг сўмлик кредит ва лизинг хизматлари кўрсатилган бўлса-да, филиалнинг кредит портфелида жорий йил 1 июль ҳолати бўйича муаммоли кредитлар мавжуд эмаслиги қувонарли ҳолдир. Нақд пул маблағларининг банкдан ташқари айланмасини қисқартириш мақсадида 18 та инкассация билан



пул топширадиган миқозлар орқали жами 1 млрд. 203 млн. 300 минг сўм нақд пул банк кассасига кириш қилинди. Шунингдек, аҳолининг бўш пул маблағларини банкка жалб этиш мақсадида турли омонатлар бўйича 425 млн. 600 минг сўм нақд пул келиб тушган бўлса, биргина "Paynet" электрон тўлов тизими хизматидан 8 млн. 200 минг сўм нақд пул маблағлари кириш қилинди. Шу билан бирга, хорижий валютада ҳам омонатларга 4.985,3 минг. доллар қабул қилинган бўлса, ўтган давр ичида 395 та миқозга халқаро пластик картчалари очилиб 3.571,2 минг доллар қабул қилинди. "Вестерн Юнион", "Юнистрим", "Близко", "Быстрая почта" каби халқаро пул ўтказмалари орқали миқозларга 925,3 минг АҚШ доллари миқдоридан пул

маблағлари берилгани миқозларнинг мушкулени осон қилди. Айтилганда фуқароларнинг банкимизга бўлган ишончининг орттишига сабаб бўлмоқда. Кўриниб турибдики, филиалимиз томонидан амалга оширилган ишлар салмоғи бир қанча юқори, лекин ҳали олдидан қилиниши лозим бўлган ишлар бисёр. Янгиликка интилаётган, зиммасидаги масъулиятни юракдан ҳис этиб, халққа, жамиятга, давлатга нафим тегсин деган ниятда миқозлар ишончини оқлашга ҳаракат қилаётган жамоамиз жорий йилни ижобий кўрсаткичлар билан якунлаб, миқозлар сонининг янада орттишига ҳаракат қилаёпти. **Отабек ЖУМАЕВ,** ДАТ "Асака" банкнинг Бухоро шаҳар филиали бошқарувчиси. ®

# “ЭЛ ҚИЁФАСИ...”

кучли шахсларда ва миллий характерларда намоён бўлади”

Бугунги дунё ранг-баранг ва серкатламли, у вақт ва макон худудларида ҳам турфа нисбий тушунчаларни намоён этиб бормоқда. Бу жараёнда ҳар бир халқ, ҳар бир миллат миллий маънавият, маданияти, ўлмас қадриятлари билан умуминсоний тамаддуллар ривожига улуш қўша олади. Глобаллашув ва оммавий маданиятнинг кескин тўқнашувлари, таҳдидлари таъсиридан ўзини, ўзлигини миллий табиати, миллий характерлари орқали асраб қола билади. Шу тариха кучли шахслар майдонга чиқади. Истеъдодли ўзувчи, кинодраматург Шойим БҮТАЕВ адабиёт, санъат, кино ва миллий сериаллар борасидаги саволларимизга жавоб берар экан, эл қиёфаси кучли шахсларда ҳамда миллий характерларда намоён бўлиши зарурлигига таъкид қилди.



эскилик саркити деб қараш билан боғлиқ ҳолатлар бугунги тараққиётга, инсон ҳаёти, оила муқаддаслиги ва ёшлар тарбиясига катта ҳаф солмоқда ва кўпчилик бутун жаҳонда бами-соли боло-қазодек тарқалиб бораётган бундай хуружларга қарши курашиш нақадар муҳим эканини англаб олмақда.

— Айтиш мумкинки, санъатнинг бошқа турлари қаторида замонавий жанр сифатида телесериаллар тобора оммалашиб бормоқда. Пешма-пеш экранларимизда намоён этилаётган чет эл телесериаллари, ўзимизнинг маҳсулотлар... Сиз кинодраматург сифатида миллий телесериалларда даврнинг муҳим ва долзарб масалалари қай тариха акс этмоқда деб ўйлайсиз?

— Мен миллий телесериалларни давр конъюктурасини ўзида мукамал муҳассас эътибор билан қараётман.

— Нега энди имконият?

— Чунки кечаги ашаддий ғазалхонни, садоқатли китобхонни ҳам зангори экран юмшоққина қилиб, бебиллики тарзда ўзига тортиб олмақда. Энди кечагина Саъдий ва Ҳофиздан, Навоий ва Машрабдан юзлаб сатрларни адашмай ёддан ўқийдиганлар бугун телевизор қаршида ўз номларини эзуга эслаб туришибди. Улар энди минг уринишмасин, Навоийнинг тўрт сатрини ҳам ёдда олиб қолишолмайди. Чунки қалбнинг бунга эҳтиёжи йўқ. Шу сабабли телевиденининг ва умуман, бугунги юксак замонавий технологияларнинг, интернетнинг кўз илғам имкониятларидан ҳақиқий маънодаги халқчил асарларни, тарихини, урф-одомларни, қадриятларни эгаларига етказиш, уларнинг эсига солиб туриш учун фойдаланиш лозим. “Ҳо-ой, бу сенки, бунини унутиб юборма, бунини унутиб юборсанг бошқалар сени танимай қолади”, дея қайта-қайта таъкидлаш, оғоҳ этиб туриш айниқса, ёшларимизда ўз халқига, миллатига нисбатан фахр-ифтихор туйғуларини қўзғатишга сабаб бўлади... Бу жуда муҳим ва жуда кучли туйғулар.

Биз она тилимизда дунё адабиётининг дурдоналаридан баҳраманд бўлганимиз. Данте, Шекспир, Гёте, Сервантес, Толстой, Достоевский ва бошқа ўнлаб буюк даҳоларнинг асарларини ўғириб жараёнда таржимонларимиз она тилимизнинг имкониятларини, ҳар қандай тушунчани ифода этишининг энг унғай усулларини намоён этишган. Энди айтинг-чи, шу буюк лисонда экрандаги қаҳрамон алдақандай чучмак гапларни айтиб тура, гафингиз келмайди? Дунё фалсафасининг бешигини тебратган буюк мутафаккирлар бизнинг заманимиздан чиканини эътиборга оладиган бўлса, экранда намоён қилаётган қаҳрамонларимиз ҳам ўзига яраша фикр-мулоҳазасига, ҳаёт фалсафасига эга кучли шахслар бўлиши, бадий тафаккурни юксалтириб, миллатнинг ифтихорига айланади.

— Сиз Баҳодир Аҳмедов режиссёрлигида яратилган “Бог” кўп қисмли телефильмининг адабий сценарийсини ёзгансиз. Бу телефильмда ҳам юқорида тилга олганнингиздек, халқимизнинг ўлмас қадриятлари, меҳр-оқибати Улғай эна исми ёлғиз кампир ва унинг боғи орқали кўрсатиб берилган. Ўзбекистон телевидениесининг турли каналларида йиллар мобайнида бу фильм қайта-қайта намоён этилмоқда. Шу фильм адабий сценарийсининг ёзилиш жараёнига тўхталсангиз.

— Бир пайтлар “Кунботардаги бог” номли кассам “Шарқ юлдузи” журналида эълон қилинганда ўша пайтдаги “Ўзбекфильм” киностудияси раҳбари “бу асарингизда фактура кучли экан, адабий сценарийсини ёзиб берсангиз, бадий фильм ишлардик”, деганди. Бу таклифни баъзи бир сабабларга кўра амалга ошира олмаганимиз. Орадан йиллар ўтиб таникли кинорежиссёр, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими Баҳодир Аҳмедов Фафур Фулом номидаги ада-

— Сизнинг ўз ихлосмандларингиз бор. Китобхонлар эътиборини ўзига жалб этган қатор асарларингиз, телесериаллар адабий сценарийсини, ноширлик фаолиятингиз... Хуллас, сериаллар ижодий фаолият жараёнида қандай мақсадларни кўзда тутасиз?

— Инсон қайси касбда ким бўлиб ишлашдан қатъи назар, энг аввало ўз ишига садоқатни намоён этиши керак деб ўйлайман. Бунинг кўнгилга гурур берадиган томони бор. Сиз яқинларингизга, халққа, Ватанга ўз меҳнатингиз билан оғина бўлса-да, наф келтириб яшаётганингни ҳис этиб турасиз. Бундай ҳис ҳар қандай одамга ҳам катта куч-қувват бағишлаб олишига ишонаман. Негаки, унинг ёлгон томони йўқ. “Мен халқимни севаман, юртимни улуғлайман”, деб лоф урса-у, унинг учун ҳеч нарса қилмас, қила олмасак бу ёмон. Улғу француз эъзувчиси Гюстав Флобер шу маънода “Одамнинг ўзи ҳеч нарса эмас, ҳамма гап унинг меҳнатида” дейди. Биз XX асрнинг муҳим офати бўлган Иккинчи жаҳон урушидан чиқиб келганларнинг ҳижолатларини тинглаб ўганганимиз, қадимий урф-одатларимизнинг, удулларимизнинг чимдим-гинасини ўз асарига қўшиб шундан ёруклик чиқариш, деган умиддаги ижодкорларнинг турли таъкид ва таҳдидлар остида не-не изтиробларни чекганига гувоҳ бўлиб ўлғайганимиз. Биз яна она тилимизнинг олмос қирраларини намоён этувчи сўзларнинг “архив”, “тарихий”, “эскирган” деган тамгалар билан ўз асарларимиздан тахрир қилиб олиб, ташланганидан дилмишай ва айрича қалам сурганимиз. Буларнинг қай бирини айтмай? Ва буларни эндиликда эслаб туришнинг Сизнинг саволингизга жавоб бўладиган жиҳати борми? Албатта, бор.

Ижодкор аҳли қалам ва қогоз билан танҳо қолаётган экан, ўз ижоди билан юзма-юз туради. Ҳақиқий ижодкорнинг ижоди ва имони ўзи тугилиб ўсган юрт қамоли, ўзи мансуб халқнинг қувонч-ташвишлари билан чамбарчас боғлиқ бўлиши керак. Унга Яратганнинг инояти шундай. Жиллакурса, у ўзида ана шундай туйғуни шакллантира бормоғи керак. Оқимба-оқимба бу туйғуни шакллантириш баробарида ижодкор ўзини, ўзлигини инкишоф этади ва бу билан умуммиллат руҳий дунёси ҳазинасига улуш қўша олади. Бу жуда ноёб, ҳеч нарса билан алмаштириб бўлмайдиган туйғу. Энди айтинг-чи, ана шу туйғу қўксингизга муборак муштини уриб қамиша сизни беэвола қилиб турса, нималарнидир шипшиша, айтса, бундан ҳулоса чиқарганингиз келмайди? Эса бошлагунча бундан ҳис-туйғулар сизнинг ўзингизники эди, бироқ ёза бошлагунингиз у сизнинг ихтиёрингиздан чиқади. Шу чоғда қаршидада жиддий нигоҳ-ла боқиб турган Инсонни унутманг: бу Инсон асрлар мобайнида халқ тарихини, қалбини, урф-одомларини, қадриятларини елкасида кўтариб келаётган китобхон ёки томошабинингиз. Унинг туйғулари билан ўйнашиш ҳавфли, ўзини ва ўзлигини ҳурмат қилмасликдир.

— Аммо минг афсуски кўп ҳолларда ана шундай “хурматсизлик”-ка дуч келиб қолишга ҳам тўғри келади...

— Ҳар бир ишни ўзининг устаси қилгани маъқул. Бир маҳаллар, шеър ёзишнинг ҳамма ўзи учун фахр деб биладиган ва шоирларни авлиё даражасида кўришадиган замонларда давраларда муносиб баҳосини олган, эътироф этилган яхши шеърлар шаҳар дарвозасининг кўринадиган жойига катта қозоғча катта-катта ҳарфлар билан ёзилиб, осиб қўйилар экан. Шаҳарга кирган ҳам, шаҳардан чиққан ҳам уни ўқиб баҳраманд бўлар экан. Шаҳар дарвозасида шеъри “қўринган” шоир ҳозирги пайтда китоби чиққан-даги каби ҳолатдан ҳам кўпроқ ҳаяжонни бошидан кечирадиган экан. Бир кун Иброҳим Жомийнинг ҳузурига яхши қийинган, басавлат бир киши тавозе билан кириб келиб, у билан қуюқ сурашибди ва ўзининг ҳали сиёҳи қуримган шеърини ўқийшга ижозат сурабди.

Ҳазрат Жомий бош ирғаб ижозат берибди. Ҳалики киши ўқиб бошлабди. Ҳазрат Жомий дуппа-дурут қўринган одамнинг бир зумда тентакка айланганини кўриб ҳайрон қолибди. Чунки

унинг оғзидан қофияга солинган бўлса-да, боди кириб, шоди чиқмоқда экан.

У шеърини ўқиб бўлиб, қалай, дегандек Абдураҳмон Жомийга қарабди.

— Дуруст, — деб қўйибди Абдураҳмон Жомий унинг кўнглини ранжитмаслик учун.

— Шу шеъримни катта ҳарфлар билан ёзиб шаҳар дарвозасига осиб қўйсам бўладими? — деб сурабди ҳалиги “шоир” қувониб кетганча.

— Албатта бўлади, — дебди Абдураҳмон Жомий унга жавобан. — Фақат, айтинг, шеърингизнинг ёнига ўзингизни ҳам осиб қўйишингиз...

Бу ривоятдан ҳам кўриниб турибдики, сўз айтиш ҳаёт ё мамот масаласи билан тенг бўлган.

Кейинги пайтларда хизмат тақозоси билан турли-туман нашриётларда чоп этилган ўнлаб китобларни кўриб чиқишимга тўғри келди. Тўғри, уларнинг кўпчилиги “ўз ҳисоби”дан чоп этилган. Аммо бундай китобларни чоп этган ана шу “ҳисоблар” бошқа ишларга, айтилиқ, қўли қисқа ёки бева-бечораларга ёрдам тариқасида ишлатилса ёки ўз оиласи эҳтиёжларига сарф этилса фойдалироқ ва савоблироқ бўлар эди.

— Сиз интервьюларингизнинг бирини “Бир бекатда сотиб олиб, иккинчи бекатда ташлаб юборилса ҳам ана шу икки бекат ораллигида бу нашрлар ўз вазифасини ўтаб бўлади”, деган эдингиз...

— Тўғри, агар адашмасам, унда сўхбат мавзуси кўнгилочар газеталар ҳақида эди. Кўнгилочар адабиёт ҳам, кинолар ҳам бор. Бироқ профессионал маънода уларнинг ҳам маҳорат билан ёзилганлари ҳам маҳорат эканини унутмасликимиз лозим. Масалан, Шерлок Холмс ҳақида ҳижолат ҳам кўнгилочар, бироқ Артур Конан Дойлнинг усталиги унга ҳамон ҳаёт бағишлаб келимоқда. Унинг сирини билиш учун эса санъат илмидан, адабиёт илмидан бохабар бўлиш керак. Баъзи шов-шовазлар кўзига биринчи қарашда бу жуда оддий ва жўн бўлиб кўринади-ми, билмадим, ишқилиб, умрида бир қатра ёхуд лавҳани қойиллатмай туриб, дарҳол “катта асар”лар, “катта сценарий”лар ёзиб ташлаб, шунинг мумтозлигини даъво қила бошлашади. Бундайларнинг “адабий орзулар”-ини қўлаб-қуватловчилар, ҳайбарал-калалчилар, хаттоки, амалга ошириб берувчилар ҳам дарҳол топила қолгани кишини ажаблантиради. “Энди ҳавас қилиб бир ёзиб кўрибдилар майли-да, ахир ёмон иш қилганлари йўқ-ку, қўлига қалам ушлаган одам барибир эзулганини кўзайтди-ку!”. Шунанга гапларни ҳам эшитганимиз-да. Бунақа “эзулганини кўзайтди” миллатнинг асрлар мобайнида мисқоллаб тўплаган маънавий дунёсига, бадий тафаккурнинг кўз илғамас чўққиларига ҳақорат бўлиб туриши мумкинлиги қайбаракаллачиларнинг ҳаёллари га келмайди. Чунки уларнинг ўзлари ҳам эҳтимол бундан беҳабардирлар.

Ижодкорнинг вазифаси дидини ўстириш. Шунда бадий тафаккурнинг ёрқин шўълалари миллат руҳини, қалбини ёритади, бугунга, эртага, келажакка нафи тегади, инсонга қўзғу туйиб, ўзинга, ўзлигинга, шу ҳаётга муносиб бўл, дейди. Бу нақадар улкан ҳодисалигини тасаввур этиш қийин. Кун кеча ўз қалбини улғу аждоғларнинг мунаваар сўзлари билан чароғон этганларнинг авлодлари оммавий маданиятнинг Чингиз Айтматов “Қўлаётган тоғлар” романида катта қуюнчақлик билан келтирганидек “Лимузин, Лимузин, Лимузин” қўшиғи билан алмаштириб олишга қай аҳволга тушишди? Президентимиз Ислам Каримовнинг “Юксак маънавият — енгилмас куч” асарининг “Маънавиятга таҳдид ўзлимиз ва келажакимизга таҳдид” деб номланган учинчи бўлимида даврнинг бундай долзарб масалаларига атрафлиқча ва чуқур муносабат билдирилган. “Табиийки, оммавий маданият” деган ниброқ остида ахлоқий бузуқлик ва эўравонлик, индивидуализм, эгоцентризм гоёларини тарқатиш, керак бўлса, шунинг ҳисобидан бойлик орттириш, бошқа халқларнинг неча минг йиллик анъана ва қадриятлари, турмуш тарзининг маънавий негизларига беписандлик, уларни қўпришига қаратилган хатарли таҳдидлар одамни ташвишга солмай қўймайди. Ҳозирги вақтда ахлоқсизликни маданият деб билиш ва аксинча, асл маънавий қадриятларни менимасдан,

## Тоғ бағридаги боғ

Тоғ йўлидан юқоридаги сари машина-миз чумоли юриш қилиб борар, ҳайдовчи укамиз эса асабийлашар, машина ҳам қийналар эди. Ҳаммамизнинг эътиборимиз йўлда. Машинанинг ичида ҳаво жуда иссиқ (чанг кирмасин деб ойналарни беркитиб олганмиз).

Машина бирдан тўхтади. Маторнинг босими пасайиб кетди. Ҳаммамиз пастга тушдик. Ҳайдовчи челақ кўтариб сув олиб келишга кетди. Иссиқ ўз кучини кўрсатмоқда. Тўғри, ташқари қабатдан кўра сал салқинроғу, лекин ҳаммамиз топган нарсамизни пешонамиз устидан соя қилиб турибмиз. Шу тариха ярим соатлар туришга мажбур бўлдик. Тез-тез соатга қараб қўямиз. Унинг стрелкаси гўё 14 дан силжймай қолганга ўхшайди. Ҳар қун вақтида овқатланишга ўрганган дўстларимнинг ҳам, ўзимнинг ҳам мақсади бирон соя жойга бориб тамадди қилиб олиш.

Нихоят машинамиз жойидан қўзғалди. Аммо хурсандчилигимиз узоққа чўзилмади. Ярим километр юргандан кейин яна тўхтади. 3-4 қақирим юқорида қишлоқ, чап томонда, пастда дарада эса дарахтлар кўриниб турибди. Машинани қолдириб дарахтлар бор жойга боришга қарор қилдик. У ерга яқинлашганда атрофнинг сийм тўр билан ўралганига ва пастроқда дарвоза борлигига кўзимиз тушди. Дарвозага яқинлашганимизда нариги томондан жус-саси кичикроқ, қотмадан келган, оқ соқоли ҳам ўзига ярашиб турган ёши 70 ларда чамаси бир отахон бизни қарши олди. У ҳаммамиз билан илиқ сўрашди-да, бизни дарахтзор ичкарисига бошлади. Ажайиб манзараси. Тангадек жойга офтоб тушмайди. Ариқда зиллодек булоқ суви, юқорида тегириқ Ундан сал пастроқда эса иккита азим ёнғоқ дарахти, унинг йўғон шох орасида сув сачраб тушаётир. Кейин эътибор берсақ, узун шлангини юқоридан сувга улаб дархат устига чиқариб қўйишган экан.

Биз шаҳардан тановвул қилиш учун олиб борган таомлар дастурхоннинг бир четиде қилиб, оқсоқолнинг боғида этиштирган туг, майиз, туршак, ёнғоқ, бодом ҳамда танга ором бағишлайдиган қатигидан баҳраманд бўлдик. Ҳеч биримизга таниш ёки қариндош бўлмаган бу отахоннинг меҳмондўстлигини қаранг! Еки бу тоғ халқига

хос хусусиятмикан?! Мана шу халқлар билан қўриқонага ҳам етиб келдик. Тоғ бағридаги 10 га яқин майдон сийм тўр билан ўралган. Тоғликларнинг айтишича, алқор тугилганида усти қуриган вақтгача ушлаб олиш мумкин экан. Қаримбой исми йиғит бизни сийм тўрнинг ёнида қолдириб ўзи алқорларни биз томонга ҳайдаш учун кетди. Дарҳақиқат, 10-15 дақиқадан кейин алқорлар тўдаси тоғлар ичидан биз томонга кела бошлади. Ҳамроҳларимиздан бири эса дарҳол видеокамерасини ишга туширди. Бироз фурсат ўтиб, алқорлар ҳар тарафга қочиб кетишди.


— Сизлар дам олиб ўтирган бу боғ мустақиллигимиз билан тенгдош, — дея гап бошлади Саттор бобо (бизни меҳмон қилган отахоннинг исми шундай экан). — Бундан анча йиллар олдин Жиззах вилоятининг Арнасой туманига қарашли ҳўжалик раҳбари, асли шу қишлоқлик Турғунбой Баҳримуродов бир маърақага келди. Шунда иккитамиз учрашиб мана шу ёнғоқнинг тағида ўтирдик. Бу ерда мана шу иккита ёнғоқдан бошқа ҳеч нарса йўқ эди. Ўшанда боғ яратилиш гоёси пайдо бўлди. Шу тариха мана боғ яратилди. Афсуски, Турғунбойнинг умри қисқа экан, жойи жаннатда бўлсин. У ҳаётлигида тез-тез келиб, боғдан хабар олиб турар эди, ҳар бир кўраётган иччилга суқла-ниб боқар, гўё у билан суҳбатлашар, хурсанд бўлар эди. Мана, шунча йилдан буён бу жойга сизга ўхшаган меҳмонлар келиб, ҳордиқ чиқариб, дуо қилиб кетишади. Шу савоблар Турғунбой укамизнинг руҳларига бориб тегсин, дейман.

Айтишларича, инсон бу оламдан ўтганидан сўнг унга тирикликда қилган уч нарсанинг савоби доимо тегиб турар экан. Яъни унинг қобил фарзандлари, агарда кимгадир устозлик қилган бўлса, ҳунар ўргатган бўлса ўша шогирдлари, қолаверса у яратган боғларнинг меваси ё росидан баҳраманд бўлаётганларнинг дуолари албатта ижобат бўлар экан.

Ҳа, бу дунёда ўздан яхши боғ қолдириб кетган Турғунбой Баҳримуродовни бу ерга зиёрат ва ҳордиқ чиқариш илинжида келувчиларнинг ҳар бири чин юракдан дуо қилиши шубҳасиз.

Сафардан қайтар эканмиз, суяги меҳнатда қотган, эл хизматидан чарчамайдиган Саттор бобого мустаҳкам соғлиқ ва узок умр тиладик.

Кувондик УРОЛОВ



Сўхбатдош: Ҳосил КАРИМОВ.

БИР АСАР ТАЪРИФИ

ҚОДИРИЙ ВА БИЗ

Яқинда таниқли шоир Шавкат Раҳмоннинг «Сайланма»сини варақлаётганимда «Қодирий ва ҳозирги ёшлар» номли таниш шеърга кўзим тушди. Таниш дейишимнинг сабаби илгари ҳам бу шеърни ўқиган эдим. Аммо ўша пайтда бунга унча эътибор бермаган эканман. Шеърнинг мазмуни ниҳоятда чуқур. Лекин мени сарлавҳаси кўпроқ ўзига тортди.

эди. Буни мирзолардан бошлаб сарой шоирлари, сарой муфтилари, бош мунший Муҳаммад Ражаббек, ҳатто хоннинг ўзи ҳам эътироф қилар эдилар.

Абдулла Қодирий истеъдоднинг яна бир қиррасини алоҳида таъкидлаш керакки, икки романнинг ҳам бош қаҳрамонлари буюқ севгининг эгалари эди! Уларнинг қалбиде пок ва абадий му-

«...Саводни отасидан ўқуб, ўн тўрт ёшида ибтидоий мактаб пруграмада бўлган барча дарсларни битирган, масалан: диний қисмдан «Ҳафти-як», «Куръон», адабиётдан Навоийнинг барча асарлари...». Демакки, Қодирий таъбири билан айтганда гўзал қизларнинг илми, одоби ва дунёқараши ҳам гўзал бўлиши керак.

Баъзан ўйлаб қоламан, Қодирий бобомиз ҳозир яшаганлариде биз ҳақимизда қандай фикрда бўлардилар? Кун бўйи беҳуда ишлар билан андармон бўлиб, спиртли ичимлик ичиб, тамақини бурқитиб эрталабгача дискотекаларда ўтирадиган «Отабек» ва «Анвар»ларни, замонавий моданинг «дода»сидан кийиб юрган «Кумуш» ва «Раъно»ларни кўрганлариде нима деган бўлардилар?

Тараққиёт яхши, албатта. Аммо миллийликни ҳам сақлаш керак. Миллийликни сақлаш... Икки сўздан иборат жумла. Аммо бу сўзлар бутун миллатнинг тақдирини ҳал қила оладиган кучга эга.

Шу ўринда Шавкат Раҳмоннинг шеърига қайтсак:

...Агар тирик бўлса, бир четда турмай Ҳозирги ёшларга сардор бўларди. Гоҳ кўкдан ёғилган, гоҳ ердан чиққан Тухмату балога қалқон бўларди...

Абдулла Қодирийдек улғу сиймонинг авлодлари миллат учун ёниб яшайдиган, юраги қайноқ бўлиши керак. Фиримча, бундай ёшлар сафимизда жуда кўп. Ҳали ўзлигини тўла англай олмаган тенгдошларимизга эса «Ўткан кунлар» ва «Меҳробдан чаён» романларини қайта-қайта мурола қилишларини тавсия этардик.

Зулфия ҲУСАНОВА, ЎзМУ талабаси.

ҲА-ЁТ

Инсон ҳаётида китоблар муҳим аҳамиятга эга экани барчага маълум. Тафаккуримизнинг бойлиги шу китоблар шарофатидан. Биз — ёшларни ажодларимизнинг бой маънавий дунёси билан боғлайдиган ва биздан кейинги авлодларга бебаҳо мерос бўлиб қоладиган ҳам китоблардир. Ҳўш, бугун юксак билим манбаи — китобларга эътибор қай даражада?

Китоб — маънавиятнинг икки қаноти



Яқинда бир аёлнинг пистани китоб варақларига ўраб сотаётганини кўриб, нега бундай қилаётганини сўраганимда у китобнинг жуда эски эканини айтиб, ўзини оқлаган бўлди. Кўлидаги китоб Ибн Синонинг тиббиётга оид асари эди. Сал олдинроқ ҳам бир аёлдан нега китобни ёқаётганининг сабабини сўраганимда у ҳам пистачи аёлнинг сўзларини айнан такрорлаганди. Бу кайи ҳодисаларни ён-атрофимизда жуда кўплат учратиш мумкин. Ахир, китобни ёқиш — увол, катта гуноҳ-ку! Битта китобни тайёрлагунча қанча-қанча инсонлар меҳнат қиладилар. Яна бир гап: китобнинг эскиси бўлмайди. Шу нуқтаи назардан қараганимизда у қанча қадимий бўлса, шунчалар қимматли ҳисобланади!

Китоблар боболаримиздан бизга мерос бўлиб қолган бебаҳо хазина. Уни авайлаш, бойитиш ва келажак авлодларга мерос қилиб қолдириш ҳар биримизнинг муқаддас бурчимиз. Шундай экан, «миллатимизни жаҳон халқларининг эътиборига тушира оладиган, маънавиятимизнинг кўш қаноти бўлиб, парвозимизнинг юксаклигини таъминлайдиган китобларнинг қадрини баланд туттиш лозим.

Нодира ХОЛМИРЗАЕВА

СПОРТ

ҚОСИМЖОНОВ КУЧЛИЛАР ҚАТОРИДА

Германиянинг Майн шаҳрида ўтказилган шахмат бўйича «ORDIX Open» халқаро турнирида етти юзга яқин спортчи куч синашди. Унда юртимиз шарафини ҳимоя қилган гроссмейстер Рустам Қосимжонов ўн бир имкониятдан саккиз очко жамғариб, турнирни энг кучли шахматчилар қаторида яқунлади. Вақилимиз мусобақа давомида олтига учрашувда рақибларини мот қилган бўлса, тўрт мартаба дуранг ўйнади.

Энди ватандошимиз жорий йилнинг 8-24 август кунлари Арманистонда бўлиб ўтадиган Халқаро шахмат федерацияси — FIDE Гран-при мусобақасининг бешинчи босқичида қатнашади.

ЎСМИРЛАРИМИЗ ОСИЁ ЧЕМПИОНИ

Ҳиндистоннинг Дехли шаҳрида ўсмирлар ўртасида эркин ва юнон-рум кураши бўйича ташкил этилган Осие чемпионатида ўзбекистонлик спортчилар тўртта олтин, иккита кумуш ва битта бронза медални қўлга киритиб, умумжамоа ҳисобида иккинчи ўринни эгаллади.

Қиёматининг йигирма мамлакатидан келган спортчилар иштирок этган ушбу мусобақада гиламга чиққан ҳамюртларимиздан Ф.Тўхтаев, Ш.Қурбонов, М.Аҳмадалиев ва Р.Қомиллов Осие чемпиони деган номга сазовор бўлишди.

Мусобақа финалида баҳс олиб бorgan яна икки курашчимиз А.Маҳмудов ва Б.Зайлобидинов кумуш медални олишди. Учинчи ўринни эгаллаган М.Собировга эса бронза медали nasib этди.

Эркин кураш бўйича ўтказилган беллашувларда ҳам ҳамюртларимиз бир неча медаллар соҳибига айланган. Ўз вазн тоифасида С.Мансуров ва Б.Раҳимовга тенг келадигани топилмади. Д.Аҳадов шохсупанинг иккинчи поғонасига кўтарилган бўлса, М.Жўраев ҳамда А.Гадов учинчи ўринни забт этдилар.

СПОРТЧИМИЗНИНГ ОРЗУСИ УШАЛДИ

Туркиянинг Анкара шаҳрида эркин ва юнон-рум кураши бўйича ёшлар ўртасида ўтказилаётган жаҳон чемпионатида ўзбекистон терма жамоаси вакили Азизбек Муродов олтин медални қўлга киритди.

Юнон-рум кураши бўйича гиламга чиққан ҳамюртимиз ҳал қилувчи учрашувда қозғонистонлик Досжан Картиковни мағлубиятга учратди.

Жорий йил ҳамюртимизга омадли келди, десак муболага бўлмайди. Умидли полвонимиз апрель ойида Тошкентда Халқаро спорт курашлари федерацияси — ФИЛА «Олтин Гран-приси» туркумига кирувчи «Ўзбекистон Мустақиллиги кубоги» мусобақасида, июнда эса Туркиянинг Анталия шаҳрида ўтказилган нуфузли халқаро турнирда ва Филиппин пойтахти Манилада ташкил этилган Осие чемпионатида шохсупанинг иккинчи поғонасига кўтарилиб, кумуш медал билан тақдирланган эди.

«БМВ ЗАУБЕР» САФДАН ЧИҚДИ

«БМВ Заубер» концерни жорий мавсумдаги «Формула-1» авто пойғалардаги иштирокини яқунлашга қарор қилганини расман тасдиқлади. Бу ҳақда Мюнхенда бўлиб ўтган мавбуот конференциясида маълум қилинди.

Айни вақтда «БМВ Заубер» жамоаси Конструкторлар кубогида саккизинчи ўринни банд қилган. Клуб аъзолари Ник Хайдфельд ва Роберт Кубицлар жорий йилда ўтказилган ўн та мусобақада аттиги саккиз очко жамғаришга эришган. Шунинг учун кейинги йилдан бошлаб Бавария автомобиль концерни двигателлар ишлаб чиқаришга катта маблағ сарфламоқчи эмас.

СУПЕРКУБОК «ЧЕЛСИ»ДА

Яқинда кун Англия премьер лигаси баҳсларининг дастлабки футбол учрашуви бўлиб ўтди. Ушбу ўйинда Англия суперкубоги учун Лондоннинг «Челси» ҳамда Манчестер шаҳрининг «Манчестер Юнайтед» жамоалари ўзаро куч синашди. Қизиқарли ва мurosасиз кечган мазкур беллашувнинг асосий вақтида 2:2 натижа қайд этилди. Пенальтилар сериясида эса омад Карло Анчелотти шогирдларига қулиб боқди.

ФАОЛИЯТИНИ ЯҚУНЛАДИ



Мексикалик 32 ёшли боксчи, икки вазн тоифасида собиқ жаҳон чемпиони Оскар Лариос фаолиятини тугатганини маълум қилди. Бу қарорга боксчи япониялик Такахино Аога қарши ўтказган жангидан бир неча ой кейин келган.

2007 йилда Оскар Лариоснинг миёсида шиж борлиги учун АҚШда жанг ўтказишни шифокорлар тақиқлаб қўйишганди. Шунга қарамай, у баъзи-баъзида Мексика ва Японияда рингга чиқиб турганди.

Азиз РЎЗИЕВ таътири.

Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси, «Hurriyat» мустақил газетаси ва «Ўзбекистон матбуоти» журнали тахририятлари фахрий журналисти, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими Зияд Исмолович ЕСЕНБОЕВнинг вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур ҳамдардлик билдиради.

Қодирий билан бизни дeярли бир аср ажратиб турибди. Лекин қандайдир қарашлар, туйғулар бизни буюқ ёзувчи билан боғлаб турармикан, деган фикр мени анча ўйлантирди. Ва ўйларимнинг якуни шундай бўлдики, биз ва ёзувчи яшаган замонларда дeярли боғлиқлик йўқ. Чунки Қодирий бобомиз мустақил шўро тузуми даврида яшаган, биз эса мустақил давлат фуқаросимиз, у киши дилидаги сўзларни баралла айта олмаган, биз эса илм ва сўз билан дунёни эгаллашимиз мумкин.



парвар эканидан дарак беради. Севгиси учун курашиш, сабр-тоқатлилик, мазлум халқнинг ҳаётига бефарқ бўлмаслик ва охирида Ватан озодлиги йўлида жон бериш... Айни пайтда юқоридаги барча хислатларни ўзида жамлаб олган отабеклар борми?

Мирзо Анвар ҳам гўзал шахс. У хат-саводи ва билими эвазига оддий мирзаликдан сармунший даражасига кўтарилган олгани унинг нечоғли интилувчан, қобилиятли эканидан далолат беради. Шу ўринда «Меҳробдан чаён» романидан парча келтирсак: «...Айниқса, туркий тахрирда мирзоларнинг ҳар бирисидан устун: чиройли услуби, осон таркиб (таркиб — жумла тузиш, — изоҳ муаллифдан З.Х.) ва ифодаси бор


ҳаббат яшарди. Улар ҳозирги баъзи «Отабек» ва «Анвар»ларга ўхшаб ҳар нарсани беқарор эмасди.

Кумуш ва Раъно ҳам ўзбек қизларининг энг мукаммал образи сифатида намоён бўлади. Отабекнинг Зайнабга уйланиши ҳақидаги хабарни эшитганида ҳам Кумушнинг Фузулийнинг китоби ҳақида гап оча олгани қандай жасорат эгаси эканини кўрсатиб беради. Унинг ўзига хос ибто ва андиша билан сўзлаши китобхоннинг тасавурида бу қаҳрамонни янада гўзалроқ қиёфада гавдалантиради. Бугунги кунда-чи? Ибо ва ҳаёда тенгсиз бўлган шу каби қизларнинг сони камайиб кетмаётимикан?

Қодирий Раънога таъриф берад экан, шундай дейди:

Абу Райҳон БЕРУНИЙ

Улуғ ҳодисалар ҳар вақт юз беравермайди



Одамтарчилиги бор мард киши ўздан ва ўзиники эканига ҳеч қим тортишиб ўтирмайдиган нарсани бошқасига эгаллик қилмайди.

Неғматнинг қадри у йўқолгандагина билинади.

Ҳар бир янги нарсани дазват бор.

Бугуннинг чорасини кўриб, эртага эҳтиёж қоламан киши ақлидир.

Асаларилар ҳам ўз қавми билан бўла туриб ишаламай, уялаги асални бекорга еб ётадиганларини

ўлдириб ташлайдилар.

Миннат қилмоқ берилган эҳсонни йўққа чиқаради.

Ҳар бир кун учун ҳақ ва ҳақиқат ҳозир нарсас.

Тенглик ҳўкм сурган жойда сотқин, алдамчи эҳтирослар, там-гўсса бўлмайди.

Бузуқ ниятли ва ёмон ахлоқли кишилар ўртага кириб олиши билан иш тўғри бўлмайди.

Ўз истагига эришишга тақдир ердан бермаган кишига маломат қилинмайди.

ТАФАККУР

Одамлар ёқтирган кишиларни тарафини олиб, ёмон кўрган кишиларини таъна қилишади.

Қомил нарсани ортиқчалликни ҳам, камчиликни ҳам қабул этмайди.

Ёлғончиликдан четланиб, ростўйликка ёпишган кишини бошқа одам у ёқда турсин, ёлғончининг ўзи ҳам севиб мақтайди.

Кўз билан кўрган эшитганидан афзалроқдир.

Ҳайвонларнинг табиатида қушандалардан нафратланиш, душманлардан ўзини қўриқлаш бор.

Ҳасад билан газаб икки қанот бўлиб, ҳаракатга келса, тоза ва чиройли ҳаётларни хира ва кудуратли қилиб тоборади.

Ҳалдан ортиқ газаб ваҳшийлик келтиради ва бевақт қилинган дугф обрўни кеткази.

Ситора ТОЖИДИНОВА таътирлади.

РАССОМ ХАНДАСИ



Осимхон ВОСИХОНОВ чизган сурат.

— Қоплон, уйга кир!

Бош муҳаррир: Абдураул ЖУМАКУЛ

ТАХРИР ХАЙЪАТИ: Хуршид ДЎСТМУХАММАД, Азамат ЗИЁ, Нани ҚАРИМОВ, Тулан НИЗОМ, Абдуқохор ИБРОХИМОВ, Хосия ҚАРИМОВ (Бош муҳаррир ўринбосари), Шерзод ҒУЛОМОВ

Тахририятга келган хатларга ёзма жавоб қайтарилади.

Тахририят манзили: Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй. e-mail: hurriyat@doda.uz

Телефонлар: 236-53-31, 236-56-38, 236-53-38, 236-75-15, 233-67-51

Реклама ва маркетинг бўлими: 236-55-13 Тел-факс: 233-36-02

ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ: Қорақалпоғистон Республикаси — 8-361-505-19-11 Бухоро — 8-365-592-85-02 Самарқанд — 8-366-233-62-12 Сирдарё — 8-372-366-99-21

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонасида чоп этилди. Манзил: Буюқ Турон кўчаси, 41-уй.

Навбатчи: Азиз РЎЗИЕВ

Топшириш вақти — 21.00 Топширилди — 22.10

© — тижорат белгиси. Адади: 10589 Буюртма — Г-726 123 5